Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 202 (9698). • 1989 йил 25 октябрь • чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА КЕНГАШ

23 октябрь куни КПСС Марказий Комитетида мамлакат етакчи иқтисодчиларининг кенгаши бўлди. Унда СССР халқ депутатлари, бир қанча марказий иқтисодий идоралар, бирлашмалар ва корхоналарнинг раҳбарлари қатнашдилар. Мамлакатдаги иқтисодий вазият ва халқ хўжалигидаги қийинчиликларни бартараф этиш йўллари ҳақида гап борди.

Кенгашни М. С. Горбачев олиб борди.

Учрашувда В. А. Медведев, Н. И. Рижков, Н. Н. Слюньков, Г. И. Усмонов қатнашдилар.

Кенгаш ўз ишини давом эттиради.

Кенгаш ҳақидаги ҳисобот матбуотда эълон қилинади.

(ТАСС).

«Правда» газетаси таҳрир ҳайъати билан учрашув

М. С. Горбачев 23 октябрь куни «Правда» газетасини таҳрир ҳайъатининг аъзолари ва редакция жамоат ташкилотларининг раҳбарлари билан учрашди. У йиғилганларга КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида газетанинг янги бош муҳаррири лавозимига тайинланган И. Т. Фроловни таништирди. М. С. Горбачев газетанинг собиқ бош муҳаррири В. Г. Афанасьевга партия матбуотини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси, жамиятни янгилаш борасида авж олган жараёнда «Правда» газетаси коллективи фаол қатнашганлиги учун миннатдорчилик изҳор қилди.

Қайта қуришнинг ҳозирги масъулиятли босқичида партия матбуотининг аҳамиятн тўғрисида ошкора фикр алмашув бўлди. Оммавий ахборот воситалари фаолиятида амалий, бунёдкорлик ишларини кучайтириш ҳақида гап борди.

Учрашувда М. С. Горбачев сўзга чиқди.

Суҳбатда В. А. Медведев қатнашди.

Учрашув ҳақидаги ҳисобот матбуотда эълон қилинади.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИ ҲАҚИДА

I. Умумий қоидалар

1-модда. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловининг асослари

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови бир мандатли сайлов округлари бўйича умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш ва сайловчиларнинг ўз истакларини эркин билдиришлари йўли билан ўтказилади.

2-модда. Умумий сайлов ҳуқуқи

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови умумийдир: Ўзбекистон ССРнинг 18 ёшга тўлган гражданлари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар. Ўзбекистон ССРнинг 21 ёшга етган граждани Ўзбекистон ССР халқ депутати қилиб сайланиши мумкин.

Ўзбекистон ССР гражданларининг сайлов ҳуқуқларини уларнинг келиб чиқиши, социал ва мулкий мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, муайян жойда яшаб турган вақти, машғулотининг тури ва характерига қараб, бирон-бир даражада бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган руҳий касал граждан, озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган, шунингдек суд қарори билан мажбурий даволаш жойларига юборилган шахслар сайловда қатнашмайдилар.

3-модда. Тенг сайлов ҳуқуқи

Ўзбекистон ССР халқ депутатларини сайлаш тенгдир: Сайловчи бир овозга эгадир; сайловчилар ҳамда депутатликка номзодлар сайловда тенг асосларда иштирок этадилар.

Хотин-қизлар ва эркаклар тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар.

Ҳарбий хизматчилар барча гражданлар билан баравар ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

4-модда. Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари тўғридан-тўғри сайланади: халқ депутатлари гражданлар томонидан бевосита сайланади.

5-модда. Яширин овоз бериш

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловида овоз бериш яширидир: овоз берувчиларнинг ўз истакларини билдиришини назорат қилишга йўл қўйилмайди.

6-модда. Бошқа иттифоқдош республикалар гражданларининг сайлов ҳуқуқи

Бошқа иттифоқдош республикаларнинг гражданлари Ўзбекистон ССР территориясида Ўзбекистон ССР гражданлари билан тенг сайлов ҳуқуқларидан фойдаланадилар.

7-модда. Сайлов комиссияларининг сайловни ўтказиши

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини ўтказишни меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари, олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва хизматчилари коллективларининг, студентлар билан биргаликдаги, сайловчиларнинг истиқомат жойидаги ва ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмларидаги йиғилишларининг вакилларидан ҳамда аҳоли ташаббускор жамоат органлари вакилларидан тузиладиган сайлов комиссиялари таъминлайди.

8-модда. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини тайёрлаш ва ўтказишда ошкоралик

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини сайлов комиссиялари, меҳнат коллективлари ва жамоат ташкилотлари очиқ ҳамда ошкора тайёрлайдилар ва ўтказадилар.

Сайлов комиссиялари ўз ишлари тўғрисида, сайлов округлари, сайлов участкалари тузилганлиги ҳақида, сайлов комиссияларининг состави, жойлашган ери ва иш вақти ҳамда сайловчиларнинг рўйхатлари тўғрисида гражданларни хабардор қиладилар. Сайлов комиссиялари агар округ сайловчилари вакилларининг конференцияси ўтказилган бўлса, ана шу конференция якунларини, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш маълумотларини, рўйхатга олинган номзодлар тўғрисидаги биографик маълумотларни, ҳар бир номзод бўйича овоз бериш натижаларини ва сайлов якунларини гражданларга маълум қиладилар.

Сайлов комиссияларининг мажлисларида, шу жумладан депутатликка номзодларни рўйхатга олиш, сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш пайтида, округ бўйича сайлов натижаларини аниқлаш ҳамда сайловнинг умумий якунларини чиқариш чоғида меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари, олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва хизматчиларининг студентлар билан биргаликдаги коллективлари, сайловчиларнинг истиқомат жойларидаги ва ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмларидаги йиғилишларининг, аҳоли ташаббускор жамоат органларининг вакиллари, шунингдек матбуот, телевидение, радио вакилларини иштирок этиш ҳуқуқига эга... Ушбу вакилларнинг ваколатлари тегишли ҳужжат билан ёки меҳнат коллективи, жамоат ташкилоти, олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва хизматчилари коллективининг студентлар билан биргаликдаги коллективи сайловчиларнинг истиқомат жойидаги, ҳарбий хизматчилар ҳарбий қисмларидаги йиғилишларининг, аҳоли ташаббускор жамоат органларининг қарори билан тасдиқланган бўлиши керак. Уларнинг сайлов куни овоз бериш хоналарида ёки сайлов комиссияларининг мажлисларида ҳозир бўлиш ниятлари ҳақида тегишли сайлов комиссияларига олдиндан хабар бериб қўйилиши керак.

Оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини тайёрлаш ва ўтказиш қандай бораётганлигини сайлов округи аҳолиси сўзлашадиган тилларда ёритадилар. Сайлов комиссиялари, давлат ва жамоат органлари, меҳнат коллективлари уларга сайловни тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ маълумотларни берадилар.

9-модда. Граждалар, меҳнат коллективлари ва жамоат ташкилотларининг Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини тайёрлаш ва ўтказишда қатнашиши

Ўзбекистон ССР гражданлари Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини тайёрлаш ва ўтказишда меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари, олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва хизматчилари коллективларининг студентлар билан биргаликда йиғилишлари, сайловчиларнинг истиқомат жойларидаги ва ҳарбий қисмлардаги йиғилишлари, аҳолининг ташаббускор жамоат органлари, сайлов округи вакилларининг конференциялари орқали ҳам, бевосита ҳам қатнашадилар.

Меҳнат коллективлари ва жамоат ташкилотлари Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини тайёрлаш ва ўтказишда сайлов комиссияларидаги ўз вакиллари орқали ҳам, шунингдек бевосита ҳам иштирок этадилар.

10-модда. Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи

Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари, олий ўқув юртлари, ўқитувчилари ва хизматчиларининг студентлар билан биргаликдаги коллективлари, сайловчиларнинг истиқомат жойларидаги ва ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлардаги йиғилишлари эгадирлар.

11-модда. Сайловчиларнинг Ўзбекистон ССР халқ депутатларига наказлари

Сайловчилар ўз депутатларига назаклар берадилар. Наказларни бериш, умумлаштириш, қараб чиқиш ва бажаришни ташкил этиш тартиби **Ўзбекистон ССР** Қонуни билан белгиланади.

12-модда. Ўзбекистон ССР халқ депутати статусининг мансаб мавқеи билан номувофиқлиги

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раисидан ташқари, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети составига кирадиган шахслар, Ўзбекистон ССР идораларининг раҳбарлари, Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси ва аъзолари, Ўзбекистон ССРнинг Бош даврат арбитри ва давлат арбитрлари, Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг раиси ва аъзолари бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон ССР халқ депутатлари бўла олмайдилар.

13-модда. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови билан боғлиқ бўлган харажатлар, сайловни моддий жиҳатдан таъминлаш.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ бўлган харажатлар давлат ҳисобидан амалга оширилади. Сайлов кампаниясини бошқа манбалардан маблағ билан таъминлаш тақиқланади.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, давлат ва жамоат органлари сайлов комиссиялари ихтиёрига сайловни тайёрлаш ва ўтказиш учун зарур бўлган бинолар ва жиҳозларни берадилар.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодлар ва сайловчилар сайловни тайёрлаш ва ўтказиш учун харажат қилмайдилар.

14-модда. Ўзбекистон ССР халқ депутатларни сайлови ҳақидаги қонунларни бузганлик учун жавобгарлик

Зўрлик ишлатиш, алдаш, дўқ қилиш ёки бошқача йўл билан Ўзбекистон ССР граждапининг Ўзбекистон ССР халқ депутатини сайлаш ва халқ депутати бўлиб сайланиш сайловолди агитациясини олиб бориш ҳуқуқини эркин амалга оширишга тўсқинлик қилувчи шахслар, шунингдек сайлов ҳужжатларини сохталаштирган, овозларни атайлаб нотўғри ҳисоблаган, яширин овоз беришни бузган ёки ушбу қонунни бошқача тарзда бузган сайлов комиссияларининг аъзолари, давлат ва жамоат органларининг мансабдор шахслари Қонунда белгилаб қўйган тарзда жавобгар бўладилар. Депутатликка номзоднинг шанини ва қадр-қимматини ерга урадиган ёлғон маълумотларни матбуотда эълон қилган ёки бошқача усул билан тарқатган, сайлов комиссияларининг аъзоларига нисбатан ҳақоратли муносабатда бўлган шахслар ҳам жавобгарликка тортилади.

II. Сайловни тайинлаш ва сайлов округларини тузиш тартиби

15-модда. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини тайинлаш

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини Ўзбекистон ССР Олий Совети Ўзбекистон ССР халқ депутатларининг ваколат муддати тугашидан камида тўрт ой олдин тайинлайди.

Сайлов куни тўғрисидаги хабар матбуотда эълон қилинади.

16-модда. Сайлов округларини тузиш

Ўзбекистон ССР халқ депутатларини сайлаш учун 500 та сайлов округи тузиладн.

Сайлов округларини Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси Қорақалпоғистон АССР Олий Совети, халқ депутатлари область ва Тошкент шаҳар Советлари ёки улар президиумларининг тавсиясига мувофиқ ташкил этади. Сайлов округларининг чегараларини белгилаш чоғида автоном республика, областлар ва Тошкент шаҳрининг маъмурий-территориал бўлиниши ҳисобга олинади.

Сайлов округлари одатда республиканинг барча территориясида сайловчиларнинг сони тенг қилиб ташкил этилади. Ҳар бир сайлов учун сайлов округига тўғри келадиган сайловчилар нормасини Ўзбекистон ССР Олий Совети белгилайди.

Ҳар бир сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Советига битта депутат сайланади.

Сайлов округларининг рўйхатлари уларнинг чегараси, сайловчиларнинг сони ҳамда округ сайлов комиссияларн ўрнашган жой кўрсатилган ҳолда Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов тайинлангандан кейин кўпи билан ўн кун ўтгач эълон қилинади.

III. Сайлов участкалари

17-модда. Сайлов участкаларини тузиш

Ўзбекистон ССР халқ депутатларини сайлашда овоз беришни ўтказиш ва овозларни ҳисоблаш учун сайлов округларига кирадиган районлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги районлар территорияси сайлов участкаларига бўлинади. Сайлов участкалари ҳарбий қисмларда ҳам тузилади ва қисмлар ўрнашган жойдаги сайлов округларига киради.

Санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа доимий даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган районлардаги гражданлар турган жойларда сайлов участкалари тузилиши мумкин. Улар ўзлари турган жойдаги сайлов округларига киради.

18-модда. Сайлов участкаларини тузиш тартиби ва нормаси

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

Ўзбекистон ССР Давлат тили ҳақида

Тил миллатнинг улкан бойлиги ва бебаҳо мулкидир. Социализмни, миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш, халқларнинг миллий ва байналмилал ўзлигининг ўсиши миллий тилларни ҳар томонлама ривожлантиришни тақозо этади.

Ушбу Қонун ўзбек тилининг Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг бутун ҳудудида (майдонида) давлат тили сифатида амал қилишининг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради.

Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикаси ўз заминида тилга оид барча масалаларни ҳал қилиш ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистон ССР худудида яшовчи барча гражданлар, қайси тил уларнинг она тили эканлигидан қатъи назар, тенгдирлар.

Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши республикада яшовчи бошқа миллат ва элатларнинг ўз она тилларини қўллашдан иборат конституцион ҳуқуқларига монелик қилмайди.

Ўзбекистон ССР гражданларнинг республика давлат тилини, ССР халқлари тилларини ҳамда чет тилларни ўрганишга бўлган интилишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

Ушбу Қонун норасмий муомалада, ҳарбий қисмларда ва диний маросимларда қўлланадиган тилларга тадбиқ этилмайди.

1-модда. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир.

Ўзбекистон ССР ўзбек тилини бутун чоралар билан ривожлантиради ва унинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида тўлиқ амал қилишини таминлайди.

Ўзбекистон ССР худудида рус тилини СССР халқларининг миллатлараро муомала тили сифатида ривожлантириш ва ундан эркин фойдаланиш таъминланади.

Миллий ва рус, рус ва миллий тилларда мулоқот қилишни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратилади.

Ўзбекистон ССР ўз худудида яшаб турган барча миллат ва элатлар тилларининг эркин амал қилишини таъминлайди, ушбу тиллар равнақ топиши, уларга ҳурмат билан муносабатда бўлиши учун тегишли шароит яратади.

2-модда. Ўзбек тили ўзбек халқининг маънавий мулкидир, Ўзбекистон ССР давлат тилининг равнақи, қўлланиши ва муҳофазасини ҳар томонлама таъминлашга оид барча масалалар Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ҳуқуқий доирасига киради.

Ўзбекистон ССР мустақил ва тенг ҳуқуқли республика сифатида ўз худудида тилга оид ҳар қандай масалани ҳал қилиш ҳуқуқига эга.

3-модда. Ўзбекистон ССРда яшайдиган ҳар бир шахснинг давлат, жамоат идоралари ва ташкилотларига иш юзасидан таклиф, ариза ҳамда шикоят билан давлат тилида мурожаат этиш ва жавоблар олиш ҳуқуқи таъминланади. Гражданларнинг бошқа тилларда ҳам мурожаат этиш ҳуқуқлари, давлат тили ва миллатлараро муомала тилида жавоб олиши имконияти таъминланади.

4-модда. Ўзбекистон ССРда ишловчи давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари раҳбарлари ўз хизмат вазифаларини бажариш учун республика давлат тилини етарли даражада билишлари шарт.

Ўз фаолиятига кўра аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ шахслар хизмат вазифасини бажариш учун давлат тилини зарур бўлган даражада билишлари лозим.

Ўзбекистон ССР ўзбек тилини билмайдиган гражданларга республика давлат тилини бепул ўргатиш ва ўқитишни таъминлайди.

5-модда. Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятида, съезд, пленум, қурултой, сессия, конференция, мажлис ва кенгашлар республиканинг давлат тилида олиб борилади ва айнан таржимаси таъминланади.

Меҳнат коллективларида мажлислар давлат тилида, шунингдек, мажлис аҳли танлаган тилда олиб борилади.

Мажлис иштирокчилари истаган тилда сўзга чиқишлари мумкин: уларнинг нутқлари мажлиснинг иш тилига таржима қилинади.

Ўзбекистон ССРда ўтказиладиган халқаро, умуминттифоқ ва республикалараро симпозиумлар, конференциялар, кенгашлар ва мажлисларда республика давлат тили ва мажлис аҳли танлаган тил қўлланади.

6-модда. Ўзбекистон ССР олий давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қонун, қарор ва бошқа ҳужжатлари республика давлат тилида тайёрланади, қабул қилинади ва эълон этилади. Расмий нашрларда уларнинг рус, қорақалпоқ, тожик, қозоқ, қирғиз, туркман ва бошқа тиллардаги таржимаси берилади.

Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳужжатлари давлат тилида тайёрланади, қабул қилинади ва эълон этилади. Муайян миллат вакиллари зич яшайдиган жойларда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳужжатлари республика давлат тилида ҳамда мазкур миллат тилида қабул қилинади ва эълон этилади.

7-модда. Ўзбекистон ССРда муассаса, корхона, ташкилот ва бирлашмаларда иш республика давлат тилида юритилади.

Меҳнат аҳлининг кўпчилиги ўзбек тилини билмайдиган корхона, муассаса, ташкилот ва бирлашмаларда иш республика давлат тили билан бир қаторда рус тили ёки бошқа тилларда ҳам олиб борилади. Бундай корхоналарнинг рўйхати халқ депутатлари район, шаҳар Советларининг тақдимига биноан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан белгиланади.

Умумиттифоқ тасарруфидаги корхоналарда иш республика давлат тили билан бир қаторда рус тилида ҳам юритилади.

8-модда. Ўзбекистон ССРдаги корхона, муассаса ва ташкилотларда ҳисоб-китоб, статистика ва молия ҳужжатлари республика давлат тилида, шунингдек миллатлараро муомала тилида тайёрланади, республикадан ташқарига жўнатиладиган ҳисобот ва молия ҳужжатлари эса рус тилида ёки тегишли томонга мақбул тилда ёзилади.

9-модда. Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари умуминттифоқ ташкилотлари билан муносабатларда миллатлараро муомала тилини қўллайдилар.

Иттифоқдош ва автоном республикалар, шунингдек хорижий давлатлар билан бўладиган алоқаларда тарафлар учун мақбул тил қўлланади.

10-модда. Ўзбекистон ССРда судлов ўзбек, қорақалпоқ тилларида ёки ўша жойдаги кўпчилик аҳоли тилида олиб борилади. Суд ишлари олиб борилаётган тилни судда қатнашувчи кишилар билмаган тақдирда бу кишилар учун таржимон орқали ишга оид материаллар билан тўла таништш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

Ўзбекистон ССРда давлат ҳакамлиги маҳкамаларида корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ўртасидаги хўжалик низоларини кўриб чиқиш, ҳал қилишда ўзбек тили қўлланади. Зарурат бўлганда хўжалик низолари миллатлараро муомала тилида ҳам қараб чиқилиши мумкин. Ўзбекистон ССР ва бошқа республикалар корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари ўртасидаги хўжалик низоларини кўриб чиқиш, ҳал қилишда ҳам миллатлараро муомала тили қўлланади.

11-модда. Ўзбекистон ССР давлат нотариал идораларида, халқ депутатлари шаҳар, қишлоқ ва қўрғон Советлари ижроия комитетларида нотариал ишлар республика давлат тилида юритилади. Мурожаат этувчи киши талабига кўра, расмийлаштирилаётган ҳужжатлар матни давлат нотариуси томонидан ёки нотариал ишни бажараётган бошқа мансабдор шахс томонидан рус тилига ёки имконият доирасида унга мақбул тилга таржима қилиб берилади.

12-модда. Ўзбекистон ССРда гражданлик ҳолатини қайд этувчи ҳужжатлар ҳамда турли шаҳодатномалар республика давлат тилида ёзилади, миллатлараро муомала тилида таржимаси тақрорланмайди.

13-модда. Ўзбекистон ССРда яшовчи гражданларга ўқишда тилни эркин танлаш ҳуқуқи берилади.

Ўзбекистон ССР ўз худудида республика давлат тилида, шунингдек рус, қорақалпоқ, тожик, қозоқ, қирғиз, туркман тилларида ҳамда республикада зич яшайдиган бошқа миллатларнинг тилларида умумий ўрта маълумот олишни таъминлайди.

Ўзбекистон ССРда, мавжудлари билан бир қаторда, ўзбек тилида, миллий гуруҳлар зич яшайдиган жойларда эса уларнинг тилида мактабгача ёшдаги болалар муассасаларини очиш таъминланади.

14-модда. Ўзбекистон ССРнинг ҳунар-техника билим юртларида, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида, улар қайси маҳкама ихтиёрида бўлишидан қатъи назар, республика давлат тилида, шунингдек рус тилида, шароитлар мавжуд бўлган жойларда бошқа тилларда ҳам мутахассислар тайёрлаш таъминланади.

Ўзбекистон ССРда давлат тилида, шунингдек, миллатлараро муомала тили ва республикада қўлланилаётган бошқа тилларда ҳам мутахассислар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таъминланади.

15-модда. Ўзбекистон ССР дарслар ўзбек тилида ўтилмайдиган умумий таълим мактабларида, ҳунар-техника билим юртларининг ҳамда ўрта махсус ва олий ўқув юртларининг дарслар ўзбек тилида ўтилмайдиган бўлим ва группаларида ўзбек тили ни ўқув планининг асосий фанларидан бири сифатида ўрганишни таъминлайди, бу фандан битирув имтиҳони топширилади.

Ўзбекистон ССР дарслар рус тилида ўтилмайдиган умумий таълим мактабларида, ҳунар-техника билим юртларида, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида рус тилини ўқув планининг асосий фанларидан бири сифатида ўрганишни таъминлайди. Бу фандан битирув имтиҳони топширилади.

16-модда Араб алифбосига асосланган қадимий ўзбек ёзувини ўзбек умумий таълим мактабларида, ўрта махсус ва олий ўқув юртларининг дарслар ўзбек тилида олиб бориладиган бўлимларида ўқув плани фанларидан бири сифатида ўқитиш таъминланади. Ўзбекистон ССРда бу ёзувни ўрганишни истайдиганларга ҳар томонлама имконият яратилади. Бунинг учун тегишли илмий-педагогик кадрлар ва дарслик ҳамда методик ўқув қўлланмалари тайёрланади, қадимий ўзбек ёзувида адабий-тарихий ёдгорликлар, китоблар ва журналлар нашр этилади.

17-модда. Ўзбекистон ССР республика давлат тилида, шунингдек миллатлараро муомала тилида дарсликлар, ўқув-методик ва илмий-техник адабиётлар нашр этилишини таъминлайди.

Ўзбекистон ССРда бошқа республикалар билан муайян шартномалар тузган ёки келишган ҳолда рус, қорақалпоқ, тожик, қозоқ, қирғиз, туркман ва бошқа тилларда ўқитиладиган мактаблар дарсликлар, ўқув-методик, бадиий ва илмий-техник адабиётлар билан таъминланади. Шунингдек, қардош республикаларда яшаётган ўзбекларни ўзбек тилидаги ўқув-методик, бадиий ва илмий-техник адабиётлар билан таъминлайди. Ўзбекистон ССР республикадан ташқарида ҳам ўзбек тилини асраш ва ривожлантиришга, маориф ва маданиятни тараққий эттиришга ёрдам беради.

18-модда. Ўзбекистон ССР илм-фаннинг ҳамма соҳаларини республика давлат тилида ривожлантириш учун лозим бўлган барча шарт-шароитни яратиб беради. Республикада илмий ишни ўзбек тилида тақдим этиш, ҳимоя қилиш ва нашр қилиш ҳуқуқи таъминланади. Республикада илмий асарларнинг рус, қорақалпоқ, тожик, қозоқ ва бошқа тилларда ёзилиши, нашр этилиши ва ҳимояга қўйилиши мумкин.

19-модда. Ўзбекистон ССРда ўзбек халқининг илм-фан тилини такомиллаштириш учун ўзбек тилида илмий-техник ҳамда ижтимоий-сиёсий атамаларни яратиш ва ривожлантириш таъминланади.

(Давоми 3-бетда).

ОБЛАСТИМИЗДА ТЮМЕНЬ ОБЛАСТИ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

ТАНИШУВ

ТОШКЕНТ область партия комитетида областимизда ўтказилаётган Тюмень области маданияти кунларига бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Унда Ғарбий сибирлик меҳмонлар билан бир қаторда республикамиз ва областимиз оммавий-ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этишди.

Матбуот конференциясини Тошкент область партия комитетининг секретари В. Г. Гордиенко очиб, тўпланганларга тюменлик меҳмонларни таништирди. Делегация раҳбари, Тюмень область партия комитетининг биринчи секретари Г. П. Богомяков журналистларга ғарбий сибирликларнинг мамлакатимиз иқтисодий-маданий тараққиётига қўшаётган салмоқли улушлари, Ўзбекистон ва Тюмень меҳнаткашлари ўртасидаги дўстлик ва қардошлик тобора ривожланиб бораётганини батафсил ҳикоя қилиб берди.

— Тошкент областида ўтказилаётган маданиятимиз кунлари ўзбек халқи билан ғарбий сибирликларнинг иқтисодий-маданий алоқаларини янада мустаҳкамлашда, совет халқлари ўртасидаги миллий муносабатларни барқарорлаштиришда, ёшларни байналмилалчилик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эгадир, — деди у.

Делегация аъзолари журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

✦ СУРАТДА: матбуот конференциясида.

Суратчи А. ЗУФАРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИ ҲАҚИДА

(Боши 1-бетда).

18-модда. Сайлов участкаларини тузиш тартиби ва нормаси

Сайлов участкалари халқ депутатлари район, шаҳар (районларга бўйсунадиган шаҳарлардан ташқари), шаҳарлардаги район Советлари томонидан ёки уларнинг президиумлари томонидан округ сайлов комиссиялари билан келишиб тузилади, ҳарбий қисмларда сайлов участкалари халқ депутатлари маҳаллий Советлари ёки уларнинг президиумлари томонидан қисмларнинг ва ҳарбий қўшилмаларнинг командирлари тавсиясига биноан тузилади.

Сайлов участкалари сайловдан камида икки ой аввал тузилади. Ҳарбий қисмларда, шунингдек, олис ва бориш қийин бўлган районларда сайлов участкалари шу муддатда тузилади, алоҳида ҳолларда эса сайловдан камида беш кун аввал тузилади.

Сайлов участкалари одатда камида 20, кўпи билан 3 минг сайловчидан иборат қилиб тузилади.

Тегишли халқ депутатлари Советининг ижроия комитети ҳар бир сайлов участкасига овоз беришни ташкил этиш учун бино ажратади.

Тегишли халқ депутатлари маҳаллий Совети ёки унинг президиуми ҳар бир сайлов участкасининг чегаралари ҳамда сайлов комиссияси турган жой ва овоз бериладиган бино ҳақида сайловчиларни хабардор қилади.

IV. Сайлов комиссиялари

19-модда. Сайлов комиссиялари системаси

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини ўтказиш учун қуйидаги сайлов комиссиялари тузилади:

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи марказий сайлов комиссияси;

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари;

Участка сайлов комиссиялари.

20-модда. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи марказий сайлов комиссиясини тузиш

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан сайловдан камида тўрт ой аввал комиссия раиси, раиснинг ўринбосари, комиссия секретари ва 22 аъзосидан иборат қилиб тузилади.

Марказий сайлов комиссияси составига вакиллар меҳнат коллективларининг йиғилишларида (конференцияларида), жамоат ташкилотларининг республика, область, район, шаҳар ва шаҳарлардаги район органлари томонидан, олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва хизматчилари коллективларининг студентлар билан биргаликдаги йиғилишларида, сайловчиларнинг истиқомат жойларидаги ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлардаги йиғилишларида кўрсатилади. Марказий сайлов комиссияси составига вакиллар кўрсатадиган меҳнат коллективларини, жамоат ташкилотларини, олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва хизматчилари коллективларининг студентлар билан биргаликдаги йиғилишларини, сайловчиларнинг истиқомат жойидаги ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлардаги йиғилишларини белгилаш учун Қорақалпоғистон АССР Олий Совети, халқ депутатлари область, Тошкент шаҳар Советлари ёки уларнинг президиумлари ана шу коллективлар вакилларининг кенгашларини ўтказишлари мумкин.

Марказий сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари комиссия секретари ва аъзолари Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан уларнинг шахсий аризасига ёхуд марказий сайлов комиссиясининг тақдимига мувофиқ комиссиядаги ўз вазифаларини бажаришдан озод қилинишлари мумкин.

Марказий сайлов комиссияси составига янги вакил кўрсатиш ва уни тасдиқлаш ушбу қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Марказий сайлов комиссиясининг ваколат муддати — 5 йил.

21-модда. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи марказий сайлов комиссиясининг ваколатлари

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини ўтказишни ташкил этар экан:

1. Республиканинг бутун территориясида ушбу қонуннинг бажарилишини назорат қилади ва унинг бир хил тарзда қўлланилишини таъминлайди; Зарур ҳолларда ушбу қонуннинг талқин этилиши тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Советига тақдимнома топширади.
2. Сайлов комиссияларининг фаолиятини йўналтириб туради; Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг қарорлари ушбу қонунга зид бўлса, уларни бекор қилади; Сайлов комиссиялари составига ўзгартиш киритиш тартибини белгилайди;
3. Сайлов округларини тузади;
4. Пул маблағларини сайлов комиссияларига тақсимлайди; Сайлов комиссияларининг бинолар, транспорт, алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қилади ҳамда сайловнинг моддий техникавий таъминоти билан боғлиқ бошқа масалаларини кўриб чиқади;
5. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловига оид сайлов бюллетенларининг, сайловчилар рўйхатларининг, сайловолди йиғилишлари ва сайлов комиссиялари мажлислари протоколларининг, бошқа сайлов ҳужжатларининг нусхаларини, сайлов қутиларининг ва сайлов комиссиялари муҳрлари нусхаларини, сайлов ҳужжатларини сақлаш тартибини белгилайди;
6. Ўзбекистон ССР министрликлари, давлат комитетлари ва идораларининг, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг, бошқа давлат ва жамоат органларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар хусусидаги ахборотларини тинглайди;
7. Сайланган депутатларни рўйхатга олади, умуман республика бўйича сайлов якунларини чиқаради, сайлов тўғрисидаги ахборотни ва сайланган Ўзбекистон ССР халқ депутатларининг рўйхатини матбуотда эълон қилади;
8. Ўзбекистон ССР Олий Советининг мандат комиссиясига депутатларнинг ваколатларини текшириш учун зарур ҳужжатларни топширади;
9. Қайта сайлов ўтказиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этади;
10. Ўзбекистон ССР халқ депутатларини чақириб олиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилади;
11. Бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини тайинлайди ва бу сайловнинг ўтказилишини таъминлайди;
12. Сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари хусусидаги ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқади ва улар юзасидан узил-кесил қарорлар чиқаради;
13. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги қонуннинг жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган тарзда бузилишига доир материалларни прокуратура органларига топширади;
14. Ушбу Қонунга ва Ўзбекистон ССРнинг бошқа қонунларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

22-модда. Округ сайлов комиссияларини тузиш

Округ сайлов комиссияси Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи ҳар бир сайлов округида сайловдан камида уч ярим ой олдин 9—15 аъзодан иборат қилиб тузилади.

Округ сайлов комиссияси составига вакиллар меҳнат коллективлари ёки уларнинг кенгашлари, жамоат ташкилотларининг республика, область, район, шаҳар, шаҳарлардаги район органлари ёки уларнинг вакиллари томонидан, олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва хизматчилари коллективларининг студентлар билан биргаликдаги йиғилишлари, сайловчиларнинг истиқомат жойларидаги ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлардаги йиғилишлари томонидан кўрсатилади. Комиссия составига вакиллар кўрсатувчи меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари, олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва хизматчилари коллективларининг студентлар билан биргаликдаги йиғилишларини, сайлов округи сайловчилари ва ҳарбий хизматчилар йиғилишларини аниқлаш учун тегишли халқ депутатлари Советлари ёки уларнинг президиумлари заруратга қараб бу коллективлар вакилларининг кенгашларини ўтказишлари мумкин.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари тегишли область, Тошкент шаҳар Советлари ёки уларнинг президиумлари томонидан, Қорақалпоғистон АССРда эса автоном республика Олий Совети ёки унинг президиуми томонидан тузилади.

23-модда. Округ сайлов комиссиясининг ваколатлари

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияси округда сайловни ўтказишни ташкил этар экан:

1. Округ территориясида ушбу Қонуннинг бажарилишини назорат қилади;
2. Участка сайлов комиссияларининг фаолиятини йўналтириб туради;
3. Сайловга тайёргарлик ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия ва бошқарув органларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг ахборотларини тинглайди;
4. Сайловчиларнинг рўйхати тузилишини ва уларнинг ҳамма танишиб олиши учун тақдим этилишини кузатиб туради;
5. Депутатликка номзодлар кўрсатилишини ташкил этади;
6. Зарур ҳолларда сайлов округи сайловчилари вакилларининг конференциясини чақиради ва ўтказади, конференцияда қатнашиш учун меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари, органлари, сайловчилар ва ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчилар йиғилишларининг вакиллик нормаларини белгилайди;
7. Депутатликка кўрсатилган номзодларни рўйхатга олади ва уларга тегишли гувоҳномалар беради, депутатликка кўрсатилган номзодларнинг таржимаи ҳолига оид маълумотларни плакат тарзида нашр қилишни таъминлайди;
8. Меҳнат коллективлари ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этади;
9. Сайлов округи бўйича сайлов бюллетени текстини тасдиқлайди, бюллетенлар тайёрланиши ва участка сайлов комиссияларининг ушбу бюллетенлар билан таъминланишини йўлга қўяди;
10. Сайлов округидаги сайлов натижаларини чиқаради ва матбуотда эълон қилади, сайланган депутатга гувоҳнома беради;
11. Қайта овозга қўйишни ва қайта сайловни, шунингдек бўшаб қолган ўринга депутат сайловини ўтказишни ташкил этади;
12. Депутатни чақириб олиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилади;
13. Участка сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари хусусидаги ариза ва шикоятларни муҳокама қилиб, улар юзасидан қарорлар чиқаради;
14. Ушбу Қонунга мувофиқ, бошқа ваколатларни амалга оширади.

24-модда. Участка сайлов комиссияларини тузиш

Участка сайлов комиссияси сайловдан камида 45 кун олдин 5—19 аъзодан иборат қилиб тузилади. Зарур ҳолларда участка сайлов комиссиясининг состави кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин.

Участка сайлов комиссиясига вакиллар меҳнат коллективлари ёки уларнинг кенгашлари, жамоат ташкилотларининг район, шаҳар, шаҳарлардаги район органлари ёки уларнинг бошланғич ташкилотлари, олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва хизматчилари коллективларининг студентлар билан биргаликдаги йиғилишларида, сайловчиларнинг истиқомат жойларидаги ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлардаги йиғилишларида аҳолининг ташаббускор жамоат органлари томонидан кўрсатилади.

Участка сайлов комиссиялари халқ депутатлари район, шаҳар (районга бўйсунувчи шаҳарлардан ташқари), шаҳарлардаги район Советлари ёки уларнинг президиумлари томонидан тасдиқланади.

25-модда. Участка сайлов комиссиясининг ваколатлари

Участка сайлов комиссияси:

1. Участкадаги сайловчиларнинг рўйхатларини тузади;
2. Сайловчиларни сайловчилар рўйхати билан таништиради, рўйхатдаги нотўғриликлар ҳақидаги аризаларни қабул қилади ва кўриб чиқади ҳамда унга тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалани ҳал қилади;
3. Сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш ва овоз беришда қатнашиш имконига эга бўлмаган сайловчилардан сайлов конвертларини қабул қилади;
4. Сайлов ўтказиладиган кун ва овоз бериладиган жой ҳақида аҳолини хабардор қилади;
5. Овоз бериладиган бинолар ва сайлов қутилари тайёрлаб қўйилишини таъминлайди;
6. Сайлов куни сайлов участкасида овоз берилишини ташкил этади;
7. Сайлов участкасида берилган овозларни ҳисоблаб чиқади;
8. Сайловга тайёргарлик кўриш ва овоз беришни уюштириш масалалари хусусидаги ариза ва шикоятларни кўриб чиқиб, улар юзасидан қарорлар қабул қилади;
9. Ушбу Қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

26-модда. Сайлов комиссияларининг ишини ташкил этиш

Сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари ва комиссия секретари тегишли комиссиянинг биринчи мажлисида сайланади.

Сайлов комиссиясининг мажлисларида комиссия составининг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда улар қонуний ҳисобланади. Комиссиянинг қарорлари очиқ овоз бериш орқали комиссия умумий состави овозларининг кўпчилиги билан қабул этилади. Комиссия қарорига қўшилмаган комиссия аъзолари ўзларининг алоҳида фикрларини айтишга ҳақлидирлар, бу фикрлар ёзма тарзда протоколга илова қилинади.

Сайлов комиссияларининг ўз ваколатлари доирасида қабул этган қарорлари барча давлат ва жамоат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ижро этиши учун мажбурийдир.

Сайлов комиссиясининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари хусусида юқори сайлов комиссиясига, ушбу Қонунда кўзда тутилган ҳолларда эса судга ҳам шикоят қилиниши мумкин.

Сайлов комиссиясининг аъзоси комиссиянинг қарорига мувофиқ сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод этилиб, сайлов ўтказишга ажратилган маблағ ҳисобидан унинг ўртача иш ҳақи сақлаб қолиниши мумкин.

Округ ва участка сайлов комиссиялари ўз фаолиятини Ўзбекистон ССР Олий Совети Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ваколатини тўғри деб топгандан сўнг тўхтатади.

27-модда. Сайлов комиссияларининг ваколатларини амалга оширишда уларга кўмаклашиш

Давлат ва жамоат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар сайлов комиссияларининг ваколатларини амалга оширишда уларга кўмаклашишга, уларнинг иши учун зарур маълумот ва материалларни тақдим этишга мажбурдирлар.

Сайлов комиссияси сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан давлат ва жамоат органларига, корхоналарга, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахсларга мурожаат этиш ҳуқуқига эгадир, улар эса ўртага қўйилган масалани кўриб чиқиб, уч кунлик муддатдан кечиктирмай сайлов комиссиясига жавоб қайтаришга мажбурдирлар.

V. Сайловчиларнинг рўйхатлари

28-модда Сайловчиларнинг рўйхати ва уни тузиш тартиби

Сайловчилар рўйхатини ҳар бир сайлов участкасида участка сайлов комиссияси тузади ҳамда унинг раиси ва секретари томонидан имзоланади. Рўйхат тузиш ишида қатнашиш учун участка сайлов комиссияси жамоатчилик вакилларини жалб этиши мумкин.

Халқ депутатлари шаҳар, шаҳарлардаги район, посёлка ва қишлоқ Советларининг ижроия комитетлари сайловчилар ҳисобга олинишини таъминлайдилар ва тегишли территорияда яшайдиган сайловчилар тўғрисида сайловчиларнинг рўйхатини тузиш учун зарур маълумотларни участка сайлов комиссияларига топширадилар.

Ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчи-сайловчиларнинг, шунингдек ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлар жойлашган районларда яшовчи оила аъзолари ва бошқа сайловчилар рўйхатлари ҳарбий қисмларнинг командирлари тақдим этган маълумотлар асосида тузилади. Ҳарбий қисмлардан ташқарида яшовчи ҳарбий хизматчилар истиқомат жойидаги сайловчиларнинг рўйхатларига умумий асосларда киритилади. Санаторий ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ва бошқа доимий даволаш муассасаларида тузилган сайлов участкалари бўйича сайловчиларнинг рўйхатлари мазкур муассасаларнинг раҳбарлари томонидан тақдим этиладиган маълумотлар асосида тузилади.

Сайловчилар рўйхатида сайловчиларнинг фамилиялари овоз беришни уюштириш учун қулай тартибда кўрсатилади.

29-модда. Гражданларни сайловчилар рўйхатига киритиш тартиби

Сайловчилар рўйхатига сайлов кунигача ёки сайлов куни 18 ёшга тўлган, рўйхат тузилган пайтда шу сайлов участкаси территориясида доимий ёки вақтинча яшаб турган Ўзбекистон ССРнинг барча гражданлари, шунингдек бошқа иттифоқдош республикаларнинг гражданлари киритилади.

Сайловчи бошқа сайлов участкаларидаги сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин эмас.

30-модда. Гражданларни сайловчилар рўйхатлари билан таништириш ва сайловчилар рўйхатидаги нотўғриликлар хусусида шикоят қилиш ҳуқуқи

Сайловчиларнинг рўйхатлари сайловдан ўн беш кун олдин, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа доимий даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган районларда тузилган сайлов участкаларида эса сайловдан икки кун олдин ҳамманинг танишиб чиқиши учун тақдим этилади. Участка сайлов комиссияси рўйхат билан қаерда ва қачон танишиш мумкинлиги ҳақида сайловчиларга хабар беради.

Гражданларга участка сайлов комиссиясининг биносида сайловчилар рўйхати билан танишиш ва унинг тўғри тузилганлигини текшириш имконияти таъминланади.

Ҳар бир гражданга рўйхатга киритилмаганлик, нотўғри киритилганлик ёки рўйхатдан чиқарилганлик юзасидан, шунингдек рўйхатда сайловчи тўғрисидаги маълумотларни кўрсатишда ноаниқликка йўл қўйилганлик хусусида шикоят қилиш ҳуқуқи берилади.

Рўйхатдаги нотўғриликлар ҳақидаги ариза участка сайлов комиссияси томонидан кўриб чиқилади, участка сайлов комиссияси кечи билан икки кунлик муддат ичида, сайлов арафасида ва сайлов кунида эса дарҳол аризани кўриб чиқиб, рўйхатга зарур тузатишлар киритишга ёки аризачига унинг аризаси инобатга олинмаганлиги тўғрисидаги далил-исботли қарорнинг бир нусхасини беришга мажбурдир. Бу қарор устидан район (шаҳар) халқ судига сайловдан кечи билан беш кун олдин шикоят қилиниши мумкин, район (шаҳар) халқ суди шикоятни уч кунлик муддат ичида кўриб чиқишга мажбур. Район (шаҳар) халқ судининг қарори қатъийдир. Суднинг қарорига мувофиқ сайловчиларнинг рўйхатига тузатиш участка сайлов комиссияси томонидан дарҳол киритилади.

VI. Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни рўйхатга олиш

31-модда. Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодлар кўрсатиш тартиби

Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодлар кўрсатиш сайловдан уч ой олдин бошланади ва сайловга икки ой қолганда тугалланади.

Депутатликка номзодлар тегишли сайлов округи территориясида жойлашган ва камида 200 кишидан иборат бўлган меҳнат коллективларининг йиғилишларида (конференцияларида), олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва хизматчилари коллективининг студентлар билан биргаликдаги йиғилишида кўрсатилади. Ишловчилар сони 200 кишидан кам бўлган ва бир сайлов округи территориясида жойлашган коллективлар қўшма йиғилишда (конференцияда) депутатликка номзодлар кўрсатишлари мумкин. Бунда меҳнат коллективи депутатликка номзод кўрсатишга бағишланган битта қўшма йиғилишда (конференцияда) қатнашиш ҳуқуқига эга.

Жамоат ташкилотларидан депутатликка номзодлар кўрсатиш уларнинг республика, область, район, шаҳар, шаҳарлардаги район органлари — конференциялари ёки пленумлари томонидан амалга оширилади.

Агар депутатликка номзод кўрсатишга бағишланган йиғилишда меҳнат коллективи аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпроғи, конференцияда эса делегатларнинг камида учдан икки қисми қатнашса, йиғилиш (конференция) қонуний деб, ҳисобланади.

Истиқомат жойида сайловчиларнинг депутатликка номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишлари тегишли халқ депутатлари Советлари ёки уларнинг президиумлари томонидан округ сайлов комиссиялари билан биргаликда ўз ташаббусларига кўра ҳам, шунингдек аҳоли ташаббускор жамоат органларининг шу округдаги камида 100 сайловчи қўллаб-қувватлаган ташаббуси билан ҳам чақирилади.

Истиқомат жойида сайловчиларнинг йиғилишини ўтказиш ҳақидаги таклиф халқ депутатлари Совети ёки унинг президиуми томонидан округ сайлов комиссияси билан биргаликда уч кун муддат ичида кўриб чиқилади. Йиғилиш қайси куни, қайси соатда ва қаерда ўтказилиши ҳақида округ сайловчиларига хабар берилади. Таклиф рад этилган тақдирда аҳоли ташаббускор жамоат органига далил-исботли қарорнинг бир нусхаси берилади. Бу қарор устидан район (шаҳар) халқ судига шикоят қилиниши мумкин, район (шаҳар) халқ суди шикоятни беш кунлик муддат ичида кўриб чиқишга мажбурдир. Район (шаҳар) халқ судининг қарори қатъийдир.

Йиғилишда сайлов округи территориясида яшовчи камида 300 сайловчи ҳозир бўлган тақдирда у қонуний деб, ҳисобланади.

Ҳарбий хизматчиларнинг депутатликка номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишлари ҳарбий қисмларнинг қўмондонлиги томонидан чақирилади.

Йиғилишларда чекланмаган миқдорда номзодларни муҳокама қилиш учун шароит яратилади. Йиғилишнинг ҳар бир қатнашчиси депутатликка номзодлар тўғрисида таклифлар киритиш, уларни муҳокама қилишда қатнашиш, таклиф этилаётган номзодларни қўллаб-қувватлаш ёки уларнинг номзодини кўрсатмаслик тўғрисида таклиф киритиш ҳуқуқига эгадир. Йиғилиш қатнашчиси ўз номзодини депутатликка номзод тарзда муҳокама қилиш учун тавсия этиши мумкин. Меҳнат коллективи, жамоат ташкилоти органи, олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва хизматчилари коллективларининг студентлар билан биргаликдаги йиғилишлари, сайловчиларнинг истиқомат жойларидаги ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлардаги йиғилишлари сайлов округидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига битта номзодни кўрсатиши мумкин. Депутатликка номзод кўрсатиш ҳақидаги қарор йиғилишда очиқ ёки яширин овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Овоз бериш тартиби йиғилиш томонидан белгиланади.

Номзодни ёқлаб йиғилиш (конференция) қатнашчиларининг ярмидан кўпроғи ёки жамоат ташкилоти тегишли органи умумий составининг кўпчилиги овоз берган тақдирда у депутатликка номзод қилиб кўрсатилган, деб ҳисобланади. Депутатликка номзод кўрсатилганлиги ҳақида протокол тузилади. Протоколнинг нусхасини марказий сайлов комиссияси белгилайди.

Қабул этилган қарор ҳақида депутатликка номзодга икки кунлик муддатдан кечиктирмай маълум қилинади.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодликка, қоида тариқасида, тегишли сайлов округи территориясида ишловчи ёки яшовчи гражданлар кўрсатилади.

Ўзбекистон ССР граждани айни бир вақтда иккитадан ортиқ Советнинг депутати бўлиши мумкин эмас.

32-модда. Сайлов округи вакилларининг конференцияси

Ўзбекистон ССР Конституциясига мувофиқ сайлов округларда Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод кўрсатган кўпчилик коллективларнинг таклифига кўра округ сайловчилари вакилларининг конференциялари ўтказилиши мумкин. Конференцияларни округ сайлов комиссиялари чақиради.

Сайлов округи сайловчилари вакиллари конференциясининг қатнашчиларини меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотларининг органлари, олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва хизматчилари коллективларининг студентлар билан биргаликдаги йиғилишлари, сайловчиларнинг истиқомат жойларидаги ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлардаги йиғилишлари округ сайлов комиссияси белгилаган нормаларга мувофиқ вакил қилиб юборадилар. Бунда депутатликка номзод кўрсатган ҳар бир меҳнат коллективи, ташкилот, сайловчиларнинг истиқомат жойларидаги ҳамда ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчилар йиғилиш сайловчилар сонига мутаносиб миқдорда делегатлар иштирок этиши керак. Сайловчиларнинг вакиллари йиғилишлар ёки конференцияларда делегат қилиб юборилиши мумкин.

Округ сайловчилари вакилларининг конференциялари депутатликка номзодларни рўйхатга олиш учун тегишли сайлов комиссиясига тақдим этиш ҳақида қарор қабул қилади. Бунда конференция делегатларига мазкур сайлов округидан депутатликка кўрсатилган барча номзодларнинг рўйхати ва улар ҳақидаги асосий маълумотлар барвақт бериб қўйилади.

Конференцияда ҳар бир депутатликка номзоднинг сўзга чиқиб, ўз бўлажак фаолияти программасини баён этишига имконият берилади. Конференцияда қатнашаётган ҳар бир киши депутатликка номзодларни муҳокама қилишга ва улар юзасидан ўз таклифларини киритишга ҳақлидир.

Рўйхатга олиш учун исталганча депутатликка номзодлар тақдим этилади. Қарор очиқ ёки яширин овоз бериш йўли билан қабул этилади. Овоз бериш тартибини конференция белгилайди. Депутатликка конкрет номзодлар бўйича қарорни овоз беришда қатнашганлардан ярмидан кўпроғи ёқлаган бўлса, қарор қабул қилинган, деб ҳисобланади. Депутатликка номзодларни муҳокама қилиш натижалари конференциянинг протоколида акс эттирилади.

Конференциянинг қарори хусусида округ сайлов комиссиясига ёки марказий сайлов комиссиясига уч кунлик муддат ичида шикоят қилиниши мумкин.

33-модда. Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш

Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодлар депутатликка номзодларни кўрсатган меҳнат коллективларининг, жамоат ташкилотлари органларининг, олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва хизматчиларининг студентлар билан биргаликдаги коллективлари, сайловчиларнинг истиқомат жойларидаги, ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлардаги йиғилишларининг тақдимига биноан ёки башарти округ сайловчилари вакилларининг конференцияси ўтказилган бўлса, шу конференциянинг тақдимига биноан округ сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинади.

Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш сайлов кунидан икки ой аввал бошланади ва сайлов кунига бир ой қолганда тугалланади.

Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳужжатлар: мазкур сайлов округидан депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги йиғилишларнинг протоколлари ва башарти округ сайловчилари вакилларининг конференцияси ўтказилган бўлса, шу конференциянинг протоколи, шунингдек депутатликка номзодларнинг мазкур сайлов округидан овозга қўйилишга розилик билдириб берган аризалари мавжуд бўлган тақдирда қабул қилинади. Ушбу қонуннинг 12-моддасида санаб ўтилган шахслар депутатликка номзод қилиб кўрсатилган тақдирда ўз аризаларида башарти улар депутат қилиб сайлансалар, эгаллаб турган лавозимларини бўшатиш ниятида эканликларини кўрсатадилар ёки ўз номзодларини қайтариб олишларини маълум қиладилар. Депутатликка номзодлар рўйхатга олинганлиги тўғрисида сайлов комиссияси протокол тузади, бу протокол депутатликка номзодларнинг аризалари билан бирга марказий сайлов комиссиясига тақдим этилади.

Тегишли сайлов комиссияси ушбу қонун талабларига риоя этиб кўрсатилган депутатликка номзодларни рўйхатга олади. Рўйхатга олишдан бош тортилган тақдирда марказий сайлов комиссиясига уч кунлик муддатда шикоят қилиниши мумкин.

Депутатликка номзод айни бир вақтда фақат битта сайлов округидан овозга қўйилиши мумкин. Депутатликка номзод овозга қўйилишга рози эканлигини округ сайлов комиссиясига депутатликка номзод кўрсатиш муддати тамом бўлганидан кейин уч кундан кечикмай хабар қилади.

Депутатликка номзод Марказий сайлов комиссияси, шунингдек ўзи номзод қилиб кўрсатилган сайлов округининг округ ёки участка сайлов комиссияси составида бўлиши мумкин эмас. Депутатликка номзод қилиб кўрсатилган ва мазкур комиссиялардан бирида бўлган шахс депутатликка номзод этиб рўйхатга олинган пайтдан эътиборан комиссиядаги вазифалардан озод этилган деб ҳисобланади.

Тегишли сайлов комиссияси депутатликка номзодлар рўйхатга олингач, тўртинчи кундан кечикмай матбуотда депутатликка кўрсатилган ҳар бир номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, эгаллаб турган лавозими (машғулоти), партиявийлиги, иш жойи ва яшаш жойини кўрсатиб, рўйхатга олиш ҳақидаги ахборотни эълон қилади.

34-модда. Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарорнинг бекор қилиниши. Номзоднинг ўз номзодини қайтариб олиши

Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод кўрсатган меҳнат коллективи, жамоат ташкилоти органи, олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва хизматчилари коллективларининг студентлар билан биргаликдаги йиғилиши, сайловчиларнинг истиқомат жойларидаги, ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлардаги йиғилиши сайловдан олдин исталган вақтда ўзининг депутатликка номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарорини бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бу масала юзасидан қарор депутатликка номзодлар кўрсатиш учун кўзда тутилган тартибда қабул қилиниб, тегишли сайлов комиссиясига тақдим этилади.

Депутатликка номзод сайловдан аввал истаган вақтда тегишли сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этиб, ўз номзодини қайтариб олиши мумкин.

35-модда. Бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодлар кўрсатиш тартиби

Башарти депутатликка номзодларни кўрсатиш ёки рўйхатга олиш муддати тугаганидан кейин Ўзбекистон ССР халқ, депутатлигига номзодлар ўрни бўшаб қолган тақдирда, агар сайлов округида бошқа номзодлар қолмаган бўлса, округ сайлов комиссияси марказий сайлов комиссиясининг рухсати билан меҳнат коллективларига, жамоат ташкилотларига, олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва хизматчилари коллективларининг студентлар билан биргаликдаги йиғилишларига, сайловчиларнинг истиқомат жойларидаги ва ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмларидаги йиғилишларига мурожаат этиб, депутатликка янги номзодлар кўрсатишни таклиф қилади. Депутатликка номзодлар ўрни сайловга ўн беш кундан камроқ вақт қолганда бўшаган тақдирда тегишли сайлов округидан депутат сайлови умумий сайловдан кейин икки ой муддат ичида ўтказилади. Бўшаб қолган ўринларга депутатликка номзодлар кўрсатиш ушбу қонунда белгиланган тартибда ўтказилади.

36-модда. Сайлов бюллетени

Бюллетенга рўйхатга олинган барча Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодлар алфавит тартибида киритилади, унда ҳар бир депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, эгаллаб турган лавозими (машғулоти), иш жойи ва яшаш жойи кўрсатилади. Сайлов бюллетенлари сайлов округи аҳолисининг кўпчилиги сўзлашадиган тилларда босилади.

VII. Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодлар фаолиятининг кафолатлари

37-модда. Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзоднинг сайловолди программаси

Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодга ўзининг бўлажак фаолият программаси билан чиқиш ҳуқуқи берилади.

Депутатликка номзоднинг программаси СССР Конституцияси ва Ўзбекистон ССР Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган давлат ва ижтимоий тузум негизларига қарши бўлмаслиги, урушни тарғиб қилмаслиги, миллий адоватга ҳамда гражданларнинг конституцион ҳуқуқларини камситишга даъват этмаслиги керак.

38-модда. Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзоднинг йиғилишларда сўзга чиқиш, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, ахборот олиш ҳуқуқи

Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодлар сайлов комиссиялари томонидан рўйхатга олинган вақтдан бошлаб сайловолди йиғилишлари ва бошқа йиғилишларда, кенгашларда, мажлисларда, матбуотда чиқиш, телевидение, радио орқали сўзлаш учун тенг ҳуқуққа эгадирлар.

(Давоми 3-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИ ҲАҚИДА

(Боши 1- ва 2-бетларда).

Давлат ва жамоат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари, аҳоли ижтимоий ташаббускор органлари Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодларга сайловчилар билан учрашувларни ташкил этишда, зарур ахборот материалларини олишда ёрдам беришга мажбурдирлар.

39-модда. Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзоднинг ишончли вакиллари

Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодга беш нафаргача ишончли вакилга эга бўлиш ҳуқуқи берилади, бу вакиллар унга сайлов кампаниясини ўтказишда ёрдам берадилар, унинг депутат қилиб сайланиши учун агитация ўтказадилар, давлат ва жамоат органлари билан, сайловчилар билан, жамоат ташкилотларининг аъзолари билан ўзаро муносабатларда, шунингдек сайлов комиссияларида унинг манфаатларини ҳимоя қиладилар.

Депутатликка номзод ишончли вакилларни ўз хоҳиши билан белгилайди ва уларни рўйхатга олиш учун округ сайлов комиссиясига хабар қилади. Округ сайлов комиссияси депутатликка номзодлар рўйхатга олингандан кейин ишончли вакилларни рўйхатга олади ва уларга гувоҳномалар беради.

Ишончли вакиллар депутатликка номзоднинг илтимосига кўра иш жойидаги ўртача иш ҳақи сақланиб қолгани ҳолда ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод қилиниши мумкин. Шу муносабат билан корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларнинг қилинган ҳаражатлари сайловни ўтказишга ажратиладиган маблағлар ҳисобидан қопланади.

Ишончли вакил тегишли сайлов комиссиясига аъзо бўлиши мумкин эмас.

40-модда. Сайловолди агитацияси

Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодга йиғилишларда ҳам, шунингдек сайловчилар учун қулай бўлган бошқа шаклда ҳам ўз сайловчилари билан учрашувлар ўтказиш ҳуқуқи берилади. Сайловчиларнинг йиғилишларини сайлов комиссияси халқ депутатлари тегишли Советининг ёки унинг президиуми билан биргаликда ташкил этади.

Депутатликка номзод кўрсатган меҳнат коллективларига, жамоат ташкилотларига, олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва хизматчилари коллективларига студентлар билан биргаликда, истиқомат жойларида сайловчиларга ва ҳарбий хизматчиларга ўзлари кўрсатган номзодларни ёқлаб тенг асосларда ҳеч монеликсиз ташвиқот олиб бориш ҳуқуқи берилади. Сайлов комиссиялари уларга йиғилишлар ва митинглар ўтказиш учун жиҳозланган бинолар, шунингдек сайловолди агитациясини олиб бориш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш имкониятини берадилар.

Ўзбекистон ССР гражданларига, меҳнат коллективларига, жамоат ташкилотларига, олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва хизматчилари коллективларига студентлар билан биргаликда ҳамда ҳарбий хизматчиларга депутатликка номзодларнинг сиёсий, амалий ва шахсий фазилатларини эркин ва ҳар томонлама муҳокама қилиш имконияти, шунингдек йиғилишларда, матбуотда, телевидение ва радио орқали номзодни ёқлаб ёки унга қарши агитация олиб бориш ҳуқуқи гарантияланади.

Йиғилишлар ва учрашувлар қачон ва қаерда ўтказилиши сайловчиларга барвақт хабар қилинади.

Сайлов куни агитация олиб борилишига йўл қўйилмайди.

41-модда. Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодни сайловолди тадбирларида қатнашиш учун ишлаб чиқариш ёки бошқа хизмат вазифаларини бажаришдан озод қилиш

Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод рўйхатга олинганидан кейин сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, сайловолди йиғилишларида, митингларда, телевидение ва радио орқали сўзга чиқиш вақтида ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифасини бажаришдан озод қилиниб, унинг ўртача иш ҳақи сайлов ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан сақлаб қолинади.

42-модда. Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзоднинг транспортда бепул юриш ҳуқуқи

Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод рўйхатга олинганидан кейин тегишли сайлов округи доирасида пассажир транспортининг ҳамма турларида (таксидан ташқари) бепул юриш ҳуқуқига эга. Сайлов округидан ташқарида яшайдиган депутатликка номзод сайлов округига бориш ва яшаш жойига қайтиб келиш учун ҳам шундай ҳуқуқдан фойдаланади.

43-модда. Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзоднинг дахлсизлиги

Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод марказий сайлов комиссиясининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, қамоққа олиниши ёки суд тартибида белгиланадиган маъмурий жазо чораларига тортилиши мумкин эмас.

VIII. Овоз бериш ва сайлов якунларини чиқариш тартиби

44-модда. Овоз бериш вақти ва жойи

Овоз бериш сайлов куни маҳаллий вақт билан соат 7 дан 20 гача ўтказилади. Овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида участка сайлов комиссияси сайловчиларни сайловдан камида ўн кун олдин хабардор қилади.

Ҳарбий қисмларда узоқ ва бориш қийин бўлган районлардаги гражданлар турган жойларда, шунингдек санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ҳамда бошқа доимий даволаш муассасаларида ташкил этилган сайлов участкаларида участка сайлов комиссияси агар рўйхатга киритилган ҳамма сайловчилар овоз бериб бўлган бўлсалар, исталган вақтда овоз бериш тугалланган, деб эълон қилиши мумкин.

45-модда. Овоз беришни ташкил этиш

Овоз бериш махсус ажратилган биноларда ўтказилади, уларда яширин овоз бериш учун етарли миқдорда кабиналар ёки хоналар жиҳозланиши, сайлов бюллетенлари бериш учун жойлар ажратилиши ҳамда сайлов қутилари ўрнатилиши керак. Сайлов қутилари овоз берувчилар улар ёнига келган вақтда албатта яширин овоз бериш учун кабиналар ёки хоналар орқали ўтадиган қилиб, жойлаштирилади.

Овоз беришни ташкил этиш, сайловчилар ўз истакларини яширин билдиришларини таъминлаш, биноларни жиҳозлаш ва уларда зарур тартибни сақлаб туриш учун участка сайлов комиссияси жавобгардир.

Сайлов куни овоз бериш бошланишидан олдин тегишли сайлов комиссиясининг раиси комисссиянинг барча аъзолари иштирокида сайлов қутларини текширади, пломбалайди ёки муҳрлайди.

Ҳар бир сайловчи шахсан овоз беради; бошқа кишилар учун овоз беришга йўл қўйилмайди. Сайлов бюллетенлари тегишли сайлов комиссияси томонидан сайлов участкаси сайловчиларининг рўйхати асосида паспорт ёки бошқа гувоҳнома кўрсатилганида берилади. Сайлов бюллетенлари берилганлиги тўғрисида сайловчилар рўйхатига белги қўйилади.

Сайлов куни истиқомат жойида бўлиш имконига эга бўлмаган сайловчи ўз истиқомат жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақаларини талаб қилиб олиши, депутатликка номзодлар хусусида қарорга келиши ҳамда тўлдирилган сайлов варақаларини конвертга яширган ҳолда участка комиссиясига қолдириши мумкин. Сайловчи сайлов варақасини олганлиги ҳақида сайловчилар рўйхатига имзо чекади. Сайлов варақасининг нусхасини округ сайлов комиссияси белгилайди.

Айрим сайловчилар соғлиғи ёмонлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш учун ажратилган бинога кела олмаган ҳолларда участка сайлов комиссияси уларнинг илтимосига кўра комиссиянинг камида икки аъзосига сайловчилар турган жойда овоз беришни ташкил этишни топшириши мумкин.

Бирор-бир сабаб билан сайловчилар рўйхатига киритилмай қолган сайловчилар шахсини ва яшаш жойини тасдиқлайдиган ҳужжат асосида сайловчилар илова рўйхатига киритиладилар.

46-модда. Овоз бериш

Сайлов бюллетенлари овоз берувчилар томонидан яширин овоз бериш учун ажратилган кабина ёки хонада тўлдирилади. Бюллетенларни тўлдириш вақтида овоз берувчидан бошқа бирон-бир кишининг бўлиши тақиқланади. Бюллетенни мустақил тўлдириш имконига эга бўлмаган сайловчи кабина ёки хонага ўз хоҳиши бўйича сайлов комиссиясининг аъзосидан бошқа кишини таклиф қилиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон ССР халқ депутатларини сайлаш чоғида сайловчи бюллетендаги ўзи қарши овоз бераётган номзодларнинг фамилияларини ўчиради.

Овоз берувчи тўлдирилган бюллетенни сайлов қутисига ташлайди.

47-модда. Сайлов участкасида овозларни ҳисоблаб чиқиш

Сайлов участкасида овозлар участка сайлов комиссияси томонидан ҳар бир депутатликка номзод бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоблаб чиқилади.

Сайлов қутилари участка сайлов комиссияси томонидан комиссия раиси овоз бериш тугалланганлигини эълон қилганидан кейин комиссиянинг барча аъзолари иштирокида очилади. Овоз бериш тугашидан олдин сайлов қутиларини очиш тақиқланади. Сайлов қутиларини очишдан олдин фойдаланилмаган барча сайлов бюллетенларини участка сайлов комиссияси ҳисоблаб чиқади ва бекор қилади.

Участка сайлов комиссияси сайловчиларнинг асосий рўйхати ва унга илова бўйича участкадаги сайловчиларнинг умумий сонини, шунингдек бюллетенлар ва сайлов варақалари олган сайловчиларнинг умумий сонини аниқлайди. Сайлов қутиларида бўлган бюллетенлар, шунингдек сайлов варақалари асосида комиссия овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг умумий сонини; ҳар бир депутатликка номзодни ёқлаб берилган овозлар сонини ва қарши берилган овозлар сонини; ҳақиқий эмас, деб топилган бюллетенлар ва сайлов варақалари сонини аниқлайди. Сайловчилар бюллетенларга ва сайлов варақаларига қўшимча ёзиб қўйган гражданларнинг фамилиялари бўйича овозлар ҳисобланмайди.

Белгиланмаган нусхадаги сайлов бюллетенлари ва сайлов варақалари шунингдек овоз бериш вақтида биттадан ортиқ номзод қолдирилган бюллетенлар ва варақалар ҳақиқий эмас деб топилади. Сайлов бюллетенининг, варақасининг ҳақиқийлигига шубҳа туғилган тақдирда масалани участка сайлов комиссияси овоз бериш йўли билан ҳал қилади.

Овозларни санаб чиқиш натижалари участка сайлов комиссияси мажлисида кўриб чиқилади ва протоколга ёзиб қўйилади.

Протокол комиссия раиси, раис ўринбосари, комиссия секретари ва аъзолари томонидан имзоланади ҳамда Марказий сайлов комиссияси белгилаб қўйган тартибда тегишли округ сайлов комиссиясига юборилади.

48-модда. Сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлаш

Округ сайлов комиссияси участка сайлов комиссияларининг протоколлари асосида округдаги сайловчиларнинг умумий сонини, сайлов бюллетенлари ва сайлов варақалари олган сайловчилар сонини; овоз беришда қатнашган сайловчилар сонини; ҳар бир депутатликка номзодни ёқлаб берилган овозлар сонини ва қарши берилган овозлар сонини; ҳақиқий эмас, деб топилган бюллетенлар ва сайлов варақалари сонини аниқлайди.

Сайловда овоз беришда қатнашган сайловчилар овозининг ярмидан кўпини олган Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод сайланган ҳисобланади.

Округ сайлов комиссияси сайлов давомида ёки овозларни санаб чиқиш пайтида ушбу Қонунни бузишга йўл қўйилгани учун сайловни ҳақиқий эмас, деб топиши мумкин.

Агар сайловда сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчиларнинг ярмидан камроғи қатнашган бўлса, сайлов бўлмаган деб ҳисобланади.

Сайлов округи бўйича сайлов натижалари округ сайлов комиссияси мажлисида аниқланади ва протоколга киритиб қўйилади. Протокол комиссия раиси, раис ўринбосари, комиссия секретари ва аъзолари томонидан имзоланади ҳамда белгиланган тартибда марказий сайлов комиссиясига юборилади.

Сайлов округи бўйича сайлов натижалари тўғрисидаги ахборот тегишли округ сайлов комиссияси томонидан марказий сайлов комиссияси белгилаган муддатларда матбуотда эълон қилинади. Ахборотда сайловчилар рўйхатига киритилган гражданларнинг умумий сони, овоз беришда қатнашган сайловчилар сони; ҳар бир депутатликка номзодни ёқлаб берилган овозлар сони ва номзодга қарши берилган овозлар сони; ҳақиқий эмас, деб топилган бюллетенлар ва сайлов варақалари сони, сайланган депутатнинг фамилияси, исми, отасининг исми, эгаллаб турган лавозими (машғулоти), партиявийлиги, иш жойи ва яшаш жойи кўрсатилади.

IX. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови якунларини чиқариш ва эълон қилиш тартиби

49-модда. Ўзбекистон ССР халқ депутатларини рўйхатга олиш

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи марказий сайлов комиссияси сайланган Ўзбекистон ССР халқ депутатларини ўзига келиб тушган сайлов комиссияларининг протоколлари асосида рўйхатга олади.

Агар сайлов давомида ёки овозларни санаб чиқиш ёхуд сайлов натижаларини аниқлаш чоғида ушбу қонунни бузишга йўл қўйилган бўлса, марказий сайлов комиссияси сайловни ҳақиқий эмас, деб топиши ҳамда депутатни рўйхатга олишдан бош тортиши мумкин.

50-модда. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловининг якунларини эълон қилиш

Бутун республика бўйича сайлов натижалари тўғрисидаги ахборотни ва сайланган Ўзбекистон ССР халқ депутатларининг рўйхатини марказий сайлов комиссияси кечи билан ўн кун муддат ичида алфавит тартибида депутатнинг фамилияси, исми, отасининг исми, эгаллаб турган лавозими (машғулоти)ни, партиявийлигини, иш жойини ва яшаш жойини, уни депутат қилиб сайлаган сайлов округини кўрсатиб, матбуотда эълон қилади.

51-модда. Ўзбекистон ССР халқ депутатининг гувоҳномаси ва кўкракка тақиладиган нишони

Округ сайлов комиссияси марказий сайлов комиссияси рўйхатга олган Ўзбекистон ССР халқ депутатларининг рўйхати матбуотда эълон қилинганидан кейин ҳар бир сайланган депутатга унинг сайланганлиги тўғрисида гувоҳнома топширади.

Ўзбекистон ССР Олий Советига сайланган депутатларнинг ваколатини тасдиқлаганидан кейин депутат қилиб сайланганлиги тўғрисида уларга берилган гувоҳнома Ўзбекистон ССР халқ депутати гувоҳномаси билан алмаштирилади. Депутатга «Ўзбекистон ССР халқ депутати» деган сўзлар ёзилган кўкракка тақиладиган нишон ҳам берилади.

X. Такрорий овоз бериш, қайта сайлов ўтказиш ва бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон ССР халқ депутатларини сайлаш

52-модда. Такрорий овоз бериш

Агар сайлов округи бўйича Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига иккитадан ортиқ номзод овозга қўйилган бўлса ва улардан биронтаси сайланмаган бўлса, округ сайлов комиссияси энг кўп овоз олган иккита депутатликка номзод бўйича такрорий овоз беришни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади. Бу қарор ҳақида округ сайлов комиссияси марказий сайлов комиссиясига маълум қилади ва округ сайловчиларини хабардор қилади. Такрорий овоз бериш сайлов округида кечи билан икки ҳафта муддат ичида ушбу қонун талабларига риоя қилган ҳолда ўтказилади.

Такрорий овоз бериш чоғида овоз беришда қатнашган сайловчилар овозини бошқа номзодга қараганда кўпроқ олган Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод сайланган ҳисобланади.

53-модда. Қайта сайлов ўтказиш

Агар сайлов округи бўйича Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига кўпи билан иккита номзод овозга қўйилган бўлса ва улардан биронтаси ҳам сайланмаган бўлса ёки сайлов округи бўйича сайлов бўлмаган ёки ҳақиқий эмас, деб топилган бўлса, ёхуд такрорий овоз бериш сайланган депутатни аниқлаш имконини бермаган бўлса, марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссиясига сайлов округида қайта сайлов ўтказишни топширади. Бунда у сайловни янги составдаги округ ва участка сайлов комиссиялари томонидан ўтказиш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Овоз бериш аввалги сайлов участкаларида ва умумий сайловни ўтказиш учун тузилган сайловчилар рўйхати бўйича ўтказилади.

Қайта сайлов умумий сайловдан кейин кечи билан икки ой муддат ичида ўтказилади. Сайлов комиссияларини тузиш, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш ва бошқа тадбирлар ушбу қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Сайловда овоз беришда қатнашган сайловчилар овозининг ярмидан кўпини олмаган депутатликка номзод ушбу ёки бошқа сайлов округидан такроран номзод қилиб кўрсатилиши мумкин эмас.

54-модда. Бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини ўтказиш

Ўзбекистон ССР Олий Совети айрим Ўзбекистон ССР халқ депутатларининг ваколатларини ҳақиқий эмас, деб топган тақдирда, шунингдек депутат чақириб олинган, бошқа сабабларга кўра депутатлик ваколатлари муддатидан олдин тўхтатилган тақдирда тегишли сайлов округларида депутатлик ўрни бўшаб қолган вақтдан эътиборан икки ой муддат ичида янги сайлов ўтказилади. Сайлов марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов ўтказилишидан камида бир ой олдин белгиланади ва ушбу қонун талабларига риоя қилган ҳолда ташкил қилинади. Бунда округ сайлов комиссияси сайловдан 25 кун олдин, участка сайлов комиссиялари 15 кун олдин тузилади. Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш сайловдан 15 кун олдин тўхтатилади.

Ўзбекистон ССР халқ депутатининг ўрни Ўзбекистон ССР халқ депутатларининг ваколат муддати тугашига олти ойдан камроқ вақт қолганида бўшаб қолса, бўшаб қолган ўринга янги Ўзбекистон ССР халқ депутати сайлови ўтказилмайди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси **М. ИБРОҲИМОВ.**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари **Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.**

Тошкент шаҳри,
1989 йил 20 октябрь.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДА

(Боши 1-бетда).

Ўтмишнинг ижтимоий, иқтисодий, тарихий, адабий-бадиий, маданий ва илмий меросини кенг тарғиб қилиш ва чуқур ўрганиш учун ўзбек халқининг тарихий-маданий ёдгорликлари асл нусхада нашр этилиши таъминланади, шунингдек рус ва бошқа тилларга ҳам таржима қилинади.

20-модда. Ўзбекистон ССРда чиқадиган китоблар, газета ва журналлар, даврий хабарномалар асосан давлат тилида нашр қилинади. Шунингдек, адабиёт ва даврий нашрлар эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда рус тили ва бошқа тилларда ҳам чоп этилади.

Телевидение кўрсатувлари ва радиоэшиттиришлари асосан республика давлат тилида олиб борилади. Шунингдек, эшиттиришлар рус тилида ва Ўзбекистон ССР ҳудудида зич яшовчи бошқа миллатларнинг тилларида ҳам тайёрланади ва олиб борилади.

Марказий телевидение ва умумиттифоқ радиоси кўрсатув ва эшиттиришларини олиб бериш таъминланади.

21-модда. Ўзбекистон ССРда сценарийлар, фильмларни ва бошқа томошабоп асарларни республика давлат тилида ҳамда миллатлараро муомала тилида яратиш таъминланади. Бошқа иттифоқдош республикалардан, чет эллардан олинадиган кинофильмлар, саҳна асарлари ва бошқа томошабоп асарлар ўзбек ва рус тилларига таржима қилинади.

22-модда. Муассаса, корхона, давлат ва жамоат ташкилотларининг расмий муҳрлари, тамғалари ва иш қоғозларининг матнлари республика давлат тилида бўлади, русча таржимада такрорланади.

Миллий-маданий жамиятлар ва марказларнинг муҳрлари, тамғалари ва иш қоғозларининг матнлари улар танлаган тилдан ташқари республика давлат тилида бўлиши шарт.

Лавҳалар, эълонлар, нархномалар ва бошқа кўргазмали ҳамда оғзаки ахборот воситалари республика давлат тилида ёзилади ва эълон қилинади ҳамда рус ва бошқа тилларда такрорланади. Ўзбекистон ССР корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ёрлиқлари, корхона белгилари, улардан фойдаланиш йўл-йўриқлари ўзбек тилида ҳамда миллатлараро муомала тилида бўлиши таъминланади.

Мамлакатнинг бошқа республикаларидан ёки чет эллардан келтирилган маҳсулотни савдо идоралари ва ташкилотлари ўзбек тилида ва миллатлараро муомала тилида битилган йўл-йўриқлар билан таъминлаши лозим.

23-модда. Ўзбекистон ССРда почта-телеграф хабарлари гражданларнинг хоҳишига кўра республика давлат тили ёки рус тилида расмийлаштирилади.

24-модда. Ўзбекистон ССРдаги шаҳарлар, қишлоқлар, майдонлар, кўчалар, бекатлар, тарихий обидалар ва бошқа жўғрофий-ҳудудий ўринларнинг номлари ягона миллий шаклда берилади ва республика давлат тилида ёзилади.

СССРдаги ва хорижий мамлакатлардаги барча жўғрофий номлар ўзбек миллий-тарихий анъаналарига ва ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларига асосланган ҳолда ўзбек тилида рақам этилади.

Ўзбекистон ССРда барча тарихий исмлар ва жойларнинг номлари халқнинг миллий мулки ҳисобланади ва давлат томонидан муҳофаза қилинади.

25-модда. Ўзбекистон ССРда яшовчи гражданлар миллатидан қатъий назар ўз исмини (бир ёки бир неча), ота исми ва фамилиясини (бир ёки бир неча) тарихий-миллий анъаналарга мувофиқ шаклда ёздириш ҳуқуқига эгадирлар. Исмлар, ота исми ва фамилияларининг ягона тўғри шакли махсус маълумотномаларда қайд этилади. Ўзбекча исмлар, ота исми ва фамилиялар бошқа тилларда берилганда, айни чоғда, дунёга машҳур кишиларнинг ота исми ва фамилияси ўзбек тилида берилганда уларнинг асл ёзилиш хусусияти сақланиб қолади.

Исмлар, ота исми ва фамилияларни ёзишда ўзбек тилининг ифода ва талаффуз қонуниятларига риоя этилади.

26-модда. Ўзбекистон ССРда яшовчи барча миллатлар миллий-маданий жамиятлар ва марказлар тузиш ҳуқуқига эгадирлар.

Оз сонли миллий гуруҳлар учун ҳам ўрта умумий таълим мактабларида ўз она тилини ўрганишга шароит яратилади.

27-модда. Ўзбекистон ССРда давлат тилига ва бошқа тилларга менсимай ёки хусумат билан қараш тақиқланади. Мансабдор шахсларнинг республика давлат тилини ёки миллатлараро муомала тилини билмасликни рўкач қилиб, таклифлар, аризалар ва шикоятларни олишдан ёки кўриб чиқишдан бош тортиши ман этилади; гражданларнинг ўзаро муомала, таълим-тарбия ва ўқиш тилини эркин танлаш ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи хатти-ҳаракатлар содир бўлса, СССР ва Ўзбекистон ССРнинг амалдаги қонунлари белгилаган тартибда жавобгарликка тортилади.

28-модда. Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ва давлат бошқарув муассасаларининг, шунингдек корхоналар, ташкилотлар ва идораларнинг раҳбарлари ўзларига тобе соҳа доирасида ушбу Қонун талабларига риоя қилинишига шахсан жавобгардирлар.

29-модда. Давлат тили расмий амал қиладиган соҳаларда ўзбек адабий тилининг мавжуд илмий қонун-қоидаларига тўла риоя этилади.

30-модда. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг давлат тили ҳақидаги мазкур Қонуннинг турмушга тадбиқ этилишини назорат қилиш Ўзбекистон ССР Олий Совети ва унинг Доимий тил комиссияси зиммасига юкланади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси **М. ИБРОҲИМОВ.**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари **Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.**

Тошкент шаҳри, 1989 йил 21 октябрь.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг қарори

«ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДА»ги ҚОНУННИ КУЧГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон ССРнинг давлат тили тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети қарор қилади:

1. Қонуннинг қоидаларини жамият турмушининг ҳамма томонларига босқичма-босқич жорий этиш мақсадида белгилаб қўйилсинки, Қонуннинг 4, 7 ва 8-моддалари 8 йил давомида, 5 ва 24-моддалари—3 йил давомида, 16-моддаси—1991/1992 ўқув йилидан кучга киради, 22-моддаси 1991 йилдан амал қила бошлайди.

Қолган барча моддалар Қонун қабул қилинган кундан бошлаб кучга киради.

2. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети олти ойлик муддат ичида «Ўзбекистон ССРнинг давлат тили тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунини амалга ошириш юзасидан давлат программасини қабул қилсин.

3. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига Ўзбекистон ССР ҳукуматининг қарорларини мазкур Қонун билан мувофиқлаштириб чиқиш топширилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси **М. ИБРОҲИМОВ.**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари **Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.**

Тошкент шаҳри, 1989 йил, 21 октябрь.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН ССР КОНСТИТУЦИЯСИ (АСОСИЙ ҚОНУНИ)НИ 75[1]-МОДДА БИЛАН ТЎЛДИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий қонуни) қуйидаги мазмундаги 75[1]-модда билан тўлдирилсин:

«75[1]—модда. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир.

Ўзбекистон ССР ўзбек тилини ҳар томонлама ривожлантириш тўғрисида давлат ғамхўрлигини амалга оширади ва унинг давлат ҳамда жамоат органларида, маданият, маориф ва бошқа муассасаларда қўлланишини таъминлайди.

Ўзбекистон ССРда тенгҳуқуқлилик асосида мазкур органларнинг барчасида рус тилининг миллатлараро муомала тили сифатида, шунингдек Ўзбекистон ССРда яшайдиган СССРнинг бошқа халқлари тилларининг эркин қўлланиши таъминланади.

У ёки бу тилларни қўллашда бирон бир имтиёз ёки чеклашларга йўл қўйилмайди».

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси **М. ИБРОҲИМОВ.**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари **Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.**

Тошкент шаҳри,
1989 йил 21 октябрь.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРИ СОСТАВИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

1. 315-Янгиқўрғон сайлов округидан депутат Бахтиёр Султонович Ҳамидов план-бюджет комиссиясининг раиси этиб;

193-Бахмал сайлов округидан депутат Дилшодхон Дадажонова ёшлар ишлари комиссиясининг раиси этиб **сайлансин.**

2. 267-Куйбишев сайлов округидан депутат Владимир Дмитриевич Великанов ва 444-Заркент сайлов округидан депутат Ўктам Иброҳимович Усмонов қонун лойиҳаларини тайёрлаш комиссиясининг аъзолари этиб;

352-Қўйи қишлоқ сайлов округидан депутат Шаҳобиддин Сирожевич Зиёмов миллатлараро муносабатлар ва интернационал тарбия масалалари комиссиясининг аъзоси этиб;

373-Янгибозор сайлов округидан депутат Николай Дмитриевич Филиппов энергетика комиссиясининг аъзоси этиб;

12-Киров сайлов округидан депутат Акбаржон Юсупов транспорт, йўл хўжалиги ва алоқа комиссиясининг аъзоси этиб;

168-Транспорт сайлов округидан депутат Юрий Михайлович Сажнев фан ва техника комиссиясининг аъзоси этиб;

157-Булоқбоши сайлов округидан депутат Эргаш Раҳимов ва 462-Гурлан сайлов округидан депутат Қурбонбека Хўжамуротова агросаноат комплекси комиссиясининг аъзолари этиб;

89-Дмитров сайлов округидан депутат Есенгелди Турлибекович Абдураимов ва 458-Ленин сайлов округидан депутат Қозоқ Холимбетов сув хўжалиги комиссиясининг аъзолари этиб;

108-Келес сайлов округидан депутат Баҳодир Саидазимов савдо ва маиший хизмат комиссиясининг аъзоси этиб;

201-Зомин сайлов округидан депутат Зулия Хорунова ва 289-Ўнҳаёт сайлов округидан депутат Санобар Назиржоновна Исмоилова хотин-қизлар меҳнати ва турмуши, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари комиссиясининг аъзолари этиб;

186-Шофиркон сайлов округидан депутат Шамиль Қодирович Гатаулин ёшлар ишлари комиссиясининг аъзоси этиб;

3-Фарҳод сайлов округидан депутат Краснослав Петрович Дудин қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати комиссиясининг аъзоси этиб **сайлансинлар.**

3. Қуйидаги депутатлар Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзолари этиб сайланганлиги муносабати билан комиссияларнинг аъзолари вазифасидан озод қилинсин:

Дилором Турғиновна Раҳматова савдо ва маиший хизмат комиссиясининг аъзоси вазифасидан;

Роза Шарипова энергетика комиссиясининг аъзоси вазифасидан;

Абдувоҳоб Абдусаматович Йўлдошев ташқи ишлар комиссиясининг аъзоси вазифасидан.

4. Қуйидаги депутатлар Ўзбекистон ССР ҳукуматининг аъзолари этиб тайинланганлиги муносабати билан комиссия раиси ва аъзоси вазифасидан озод қилинсин:

Шукрулло Раҳматович Мирсаидов план-бюджет комиссияси раиси вазифасидан;

Дмитрий Дмитриевич Берков қурилиш ва бинокорлик материаллари саноат комиссиянинг аъзоси вазифасидан;

Вячеслав Мухторович Камолов ташқи ишлар комиссиясининг аъзоси вазифасидан;

Рустам Расулевич Юнусов транспорт, йўл хўжалиги ва алоқа комиссиясининг аъзоси вазифасидан;

Санобар Ахроловна Хўжаева қонун лойиҳаларини тайёрлаш комиссиясининг аъзоси вазифасидан;

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри, 1989 йил 21 октябрь.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг қарори

РЕСПУБЛИКАДА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВАЗИЯТНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШГА ДОИР ЧОРАЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети шуни қайд этадики, кейинги вақтларда республикада ижтимоий кескинлик анча кучайди, жиноятчилик кўпайди, жамоат, давлат ва меҳнат интизоми сусайиб кетди. Қотилликлар, гражданларнинг сиҳат-саломатлигига ва шахсий дахлсизлигига тажовузлар, ароқчиларча ҳужумлар, талончилик, социалистик мулк ва гражданларнинг шахсий мулкини ўғирлаш, порахўрлик, чайқовчилик каби хавфли жиноятлар, меҳнатсиз даромад олиш билан боғлиқ бошқа жиноятлар кенг ёйилганлиги айниқса ташвиш уйғотмоқда. Кооперативларнинг айрим турларини ташкил этиш чоғида ва уларнинг ишлаши жараёнида ғаразли суиистеъмол ҳоллари мавжуддир. Ҳар хил корчалонлар, экстремист кайфиятдаги шахслар бош кўтариб, республикадаги вазиятга фаол таъсир ўтказишга уринмоқдалар, улар кўпинча инсон ҳуқуқлари учун «курашчилар» ниқоби остида республика халқлари номидан иш кўриш ҳуқуқини ўзлаштириб олишга ҳаракат қилмоқдалар. Ана шундай шахсларнинг ташаббуси билан рухсат этилмаган митинглар, намойиш ва йиғилишлар ўтказилмоқда, улар ана шу митинг, намойиш ва йиғилишларда жамиятга зид ғояларни тарғиб қилмоқдалар, партия ва ҳукуматга, совет қуролли кучларига қарши қўпол ҳуружларга йўл қўймоқдалар, аҳолининг айрим гуруҳларини, айниқса ёшларни антисоциал ножўя хатти-ҳаракатлар қилишга, совет қонунларини бузишга ундамоқдалар. Ўзбекистон ССРнинг давлат тили тўғрисидаги қонун лойиҳаси эълон қилинганидан кейин вазият айниқса кескинлашди.

Бундай хатти-ҳаракатлар ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарор қилиб, одамларнинг давлат ҳокимияти органлари аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишга қодир эканлигига бўлган ишончига путур етказмоқда, турли миш-мишларни келтириб чиқармоқда, аҳолининг норозилигига сабаб бўлмоқда.

Республика Олий Совети вужудга келган ниҳоятда кескин вазият кўп жиҳатдан давлат органларининг, жамоат ташкилотларининг, министрликлар ва идоралар, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, кооперативлар, колхозлар ва совхозлар, меҳнат коллективлари раҳбарларининг совет кишиларини қонунларга, белгиланган тартиб ва интизомга ҳурмат руҳида тарбиялаш, шаҳар ва қишлоқларда аҳволни издан чиқариш йўлидаги уринишларнинг пайини қирқиш борасидаги фаолиятидаги жиддий камчиликлар билан боғлиқдир, деб ҳисоблайди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари қонунларга қатъий ва оғишмай риоя этилишини таъминламаяптилар, жамиятга зид кимсаларга нисбатан кўнгилчанлик ва асоссиз либерализмга йўл қўймоқдалар, уларга нисбатан қонунда кўзда тутилган чораларни қўлламаяптилар.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, гражданларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятларнинг ҳамда бошқа ҳуқуқбузарликларнинг пайини қирқиш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Совети **қарор қилади:**

1. Республиканинг барча ички ишлар, прокуратура, адлия органлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш бошқа органларидан жиноят содир этаётган, жамоат тартибини бузаётган шахсларга нисбатан белгиланган таъсир чораларини ўз вақтида ва қонунга тўла мувофиқ равишда қўлланиш, экстремизм кўринишларининг, миллий душманлик ва адоватни уйғотиш ҳамда авж олдиришга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатларнинг пайини қатъиян қирқиш талаб қилинсин.

Айбдор шахсларга нисбатан ҳаракат қилмаслик ва қонунда белгиланган чораларни қўлланмаслик каби ҳар бир ҳол хизмат бурчини жуда қўпол равишда бузиш деб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида бундан буён ишлашга нолойиқ, деб қаралсин.

2. Жиноий унсурларнинг ва жамоат тартибини қўпол равишда бузаётган, транспортнинг ишини издан чиқараётган, гражданларнинг ҳамда мансабдор шахсларнинг шани, қадр-қиммати ва тан дахлсизлигига тажовуз қилаётган шахсларнинг хатти-ҳаракатларига чек қўйиш чоғида ички ишлар органларининг ходимларига фаол ҳимоя воситалари: резина таёқлар, кишанлар, жамиятга зид хатти-ҳаракатлар пайини қирқишнинг махсус усулларини қўллаш ҳуқуқи берилсин.

Мазкур воситалар ички ишлар органларининг ходими шахсни қонунларни бузишга йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида огоҳлантирган, ана шу шахс эса ўзининг огоҳлантирилишига жўрттага эътибор бермаган ёки мансабдор шахснинг қонуний ҳаракатларига қаршилик қилган тақдирда қўлланилиши мумкин.

Ички ишлар органларининг ходимига ҳужум қилинган тақдирда фаол ҳимоя воситалари огоҳлантирилмай қўлланилади.

Фаол ҳимоя воситасини қўлланиш тўғрисидаги қарорни милиция ходимининг ўзи белгиланган қонунга қатъий мувофиқ равишда қабул қилади.

Группавий безорилик, оммавий тартибсизликлар, қуролли жиноятчиларни қўлга тушириш вақтида бошқа махсус воситалар ҳам Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги белгилаган тартибда қўлланилиши мумкин. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигининг ушбу масалага доир таклифларини бир ой муддат ичида кўриб чиқсин.

3. Корхоналар, ташкилотлар, ўқув юртлари, бошқа муассасалар ва жамоат ташкилотлари раҳбарларининг ўзлари бошчилик қилаётган меҳнат коллективларида меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини, жамоат тартибини таъминлаш учун жавобгарлиги оширилсин.

Шу нарса белгилаб қўйилсинки, мазкур раҳбарлар ҳамда бошқа мансабдор шахслар рухсат берилмаган йиғилиш, митинг, кўча юриши ёки намойиш қатнашчиларига биноларни, давлат ёки жамоатнинг бошқа мулкини (алоқа воситалари, нусха кўпайтириш техникаси ҳамда бошқа техникани, ускуналарни, транспортни) бериб қўйишлари ёхуд шундай тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш учун ўзгача шарт-шароитларни вужудга келтирганликлари интизомий ҳамда маъмурий жавобгарликка — минг сўмгача миқдорда жарима тўлашларига олиб келади. Улар бир йилгача муддат билан мукофотлардан маҳрум этилишлари, юқори органларнинг қарорига биноан эса уларнинг лавозимлари худди шу муддатга пасайтирилиши мумкин. Айтиб ўтилган чоралар қўлланилишидан қатъи назар уларнинг қонунга хилоф хатти-ҳаракатлари туфайли етказилган моддий зарар улардан суд йўли билан ундириб олиниши керак.

4. Гражданларнинг рухсат этилмаган митингларда, кўча юришлари ва намойишларда иш вақтида қатнашишлари узрли сабабларсиз прогул деб ҳисобланиши лозим ва республика меҳнат тўғрисидаги қонунларининг нормаларида кўзда тутилган жавобгарликка сабаб бўлади. Бундай шахсларнинг уй-жой олиш навбати орқага сурилиши ҳам мумкин, улар мукофотлар ва бошқа имтиёзлардан маҳрум этилишлари мумкин, уларнинг меҳнат отпускаси неча кун прогул қилган бўлса шунча кун қисқартирилади.

5. Рухсат этилмаган йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари, намойишларнинг ташкилотчилари қонунда кўзда тутилган бошқа таъсир чоралари билан бир қаторда ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатлар натижасида корхоналар, муассасалар, ташкилотларга ҳамда гражданларга етказилган моддий зиённинг ўрнини суд йўли билан қоплайдилар. Улар ҳам бир йил муддатгача мукофотлардан ва бошқа қўшимча ҳақлардан маҳрум этиладилар, уларнинг уй-жой олиш навбати орқага сурилади, шунингдек неча кун прогул қилган бўлса, отпускаси ҳам шунча кун қисқартирилади.

6. Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари жиноятчиликнинг ва жамоат тартибини бузишнинг пайини қатъиян қирқиш борасида ички ишлар органларининг фаолияти устидан назоратни кучайтирсинлар. Тузилган муваққат комитетларнинг, ўртоқлик судларининг, кўнгилли халқ дружиналарининг ва бошқа жамоат тузилмаларининг иши фаоллаштирилсин. Меҳнат коллективларининг кенгашларига кўнгилли халқ дружинаси аъзоларини моддий ва маънавий рағбатлантириш тавсия этилсин. Республика прокуратураси, область ижроия комитетлари митинглар, йиғилишлар, юришлар ва намойишлар ўтказишга руҳсатномалар бериш практикасини ўргансинлар, бу ишда тегишли тартиб ўрнатсинлар.

7. Ўзбекистон ССР Олий суди йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ҳамда намойишларни ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан белгиланган тартибни бузганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги қонунларни ижро этиш практикасини ўрганиб чиқиб, ушбу Қонуннинг тўғри ва бир хилда қўлланилиши юзасидан раҳбарий изоҳлар берсин.

8. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг студентлари ҳамда ўқувчилари ўртасида тарбиявий иш савиясини ошириш масалаларида республика Халқ таълими министрлиги, унинг жойлардаги органлари ҳаракат қилмаётганликлари қайд этиб ўтилсин. Бу ишларнинг аҳволи учун конкрет, шахсий жавобгарлик министрликнинг ҳамда унга бўйсунувчи муассасалар ва ўқув юртларининг раҳбарлари зиммасига юклансин.

9. Республика Министрлар Совети Тошкент шаҳри ички ишлар органларининг моддий-техника таъминотини, улар ходимларининг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш масалаларини бир ой муддат ичида кўриб чиқсин. Шу органлар учун бозор фондларидан автотранспорт ажратиб берилиши кўзда тутилсин.

Жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги ишда энг кўп ўрнак кўрсатган республика ички ишлар органлари ходимларини, биринчи навбатда оддий ва сержант составига мансуб ходимларни рағбатлантириш мақсадида 1989—1990 йилга республика ва область бюджетларидан 500 минг сўм маблағ ажратиш зарур, деб ҳисоблансин.

10. Оммавий-ахборот воситалари республикада ҳуқуқ-тартиботнинг аҳволини, жиноятчиликка қарши кураш чоралари қандай амалга оширилаётганлигини чуқур ва ишонарли тарзда ёритсинлар; гражданлар қайси миллатга мансублигидан қатъи назар уларнинг тенглиги тўғрисидаги қонунларнинг қоидаларини аниқ-равшан мисолларда тушунтириб берсинлар.

11. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Ўзбекистон ССРнинг Қонунига тегишли ўзгартишларни киритсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри, 1989 йил, 21 октябрь.

«ҲОСИЛ-89»

ТЕРИМ КУНДАЛИГИ

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 24 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида).
Биринчи устун — районлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрлангани; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — машина терими — бир кунлик; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

УРТА ЧИРЧИҚ	0,74	105,55	0,36	125,05
ҒАЛАБА	1,35	103,68	1,47	124,37
ЧИНОЗ	1,50	103,64	1,87	98,61
БЎКА	0,66	102,86	0,43	119,18
ОҚҚЎРҒОН	0,51	102,74	0,44	117,68
ПИСКЕНТ	0,70	101,71	0,56	105,40
Коммунистик	0,94	98,17	0,40	115,05
Бекобод	0,97	97,84	0,67	97,59
Янгийўл	1,90	95,04	1,77	89,72
Область бўйича:	0,95	101,41	0,80	112,00

«ҲОСИЛ-89»

✦ ПИСКЕНТ районидаги «Гулистон» колхозининг Маннон Мусаев бошлиқ бригадаси аъзолари бу йил давлатга 260 тонна пахта етказиб бердилар. Йиллик режани барвақт адо этган бўлишларига қарамай, теримни жадал давом эттиришмоқда. Яқинда колхознинг ҳаваскорлик ансамбли аъзолари дала шийпонида мусобақа ғолиблари шарафига концерт берди. Суратда: концерт пайти.

А. ЗУФАРОВ сурати.

КАТТА САФАРБАРЛИК

ИЛГАРИ хабар берганимиздек, Бўка райони пахтакорлари дастлабки довондан ошдилар. Айни кунларда колхоз ва совхозлар мажбурият ҳисобига ҳосил топширишмоқда.

Одатда ҳар йилнинг ўзига хос хусусияти, муваффақиятнинг омиллари бўлади. Мухбиримизнинг халқ депутатлари район Совети ижроия комитетининг раиси Раҳмон Саидов билан бўлган суҳбати ҳам районда бу йилги йиғим-теримни ташкил этишдаги тажрибалар тўғрисида бўлди.

— Раҳмон Шохзодович, бу йилги муваффақиятнинг асосий омили нимадан иборат?

— Халқимизда мақол бор: Қозонда бўлса чўмичга чиқади. Деҳқонларимизга минг раҳмат. Улар астойдил меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштиришди. Терим даврида обҳавонинг қулай келганлиги ҳам ишни тезлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлганлигини тан олиш керак. Учинчидан, бу йил топшириқбозлик, буйруқбозликсиз иш олиб борилди. Деҳқонларимиз ўз имкониятлари, шароитларини ҳисобга олиб ишлашди. Тўғри, биз томонимиздан тадбирлар ишлаб чиқилди. Лекин биз бу тадбирларга қатъий амал қиласизлар, деб туриб олмадик. Тавсия қилдик. Деҳқонлар бу тавсияларни далалари ҳолатига мослаб амалга оширишди. Техникани тайёрлаш, ғўза баргини тўкиш бир мақсадга — у ҳам бўлса қулайлик яратишга бўйсундирилди. Ҳар йили пахта штаби ишига кўплаб киши, мутахассислар жалб қилинарди. Кунига йиғилиш, мажлис бўларди, нега кам тердинг, нега машиналар ишламаяпти, дейилган аччиқ-чучук гаплар айтиларди. Бу эски услубдан воз кечилди. Штабнинг иши ҳам ихчамлаштирилди. Бор-йўғи беш киши ишлайди. Улар асосан социалистик мусобақанинг боришини кузатадилар, шунга оид маълумотларни тўплайдилар, бу маълумотларни матбуот марказига етказиб, тарғиб қилиш билан шуғулланмоқдалар. Ҳар беш кунда мусобақага якун ясалмоқда. Осойишталик, хотиржамлик билан ишлаш туфайли дастлабки кунданоқ суръат кўтарила борди.

— Машина теримининг салмоғи анча юқори бўлибди...

— Бу йил техникани созлаш ишларига, сифатига алоҳида эътибор берилди. Терим олдидан барча техникалар бир жойда тўпланиб, кўрик ўтказдик. Мутахассислар синчиклаб текшириб чиқишди. Натижада 15 та машина ҳали тайёр эмаслиги аниқланиб, қайтарилди. Бу вақтга келиб ғўза баргини тўкиш ҳам сифатли қилиб ниҳоясига етказилганди, Қатъий келишиб олдик. Сифат — асосий ўлчов, дедик. Ҳақ тўлашда бу мезонга қатъий амал қилинди. Бунинг учун масъулиятни механизаторларнинг ўзларига юкладик.

Авваллари, ўзингизга маълум, тунда ҳам терим машинаси ишлатиларди. Пахта тўкиб юборилар, кўсаклар

ҒАЛАБА РАПОРТИ ИЗИДАН

ғажиб кетиларди. Энди бундай қилишга йўл қўйилмади. Механизаторлар ишни эрталаб бошлаб, кечқурун тўқкизгача давом эттирдилар.

Илгарилари механизаторга ўринбосар тайинланарди. Бу ўзини оқламади. Чунки механизатор нонимга шерик қилиб нима қиламан, деб кўп ҳолларда ўринбосарсиз ишларди.

Бу йил ҳар 500-600 гектар майдонда меҳнат қилаётган механизаторларга хизмат кўрсатиш учун махсус созловчи отряд тайинланди. Шпинделни ювиб бериш учун механик-ҳайдовчига ёрдамчилар ажратилди. Унинг юмуши осонлашди. Энди у машинасининг уёқ-буёғига қарайман, созлайман, тўғрилайман деб ташвиш қилмайди. Ҳаммасини тўғрилаб беришади. Механик-ҳайдовчи «эгарлаб қўйилган оти»ни миниб кетаверади. Фикр-хаёли теримда, тоза теришда бўлади. Шундай қилиб, далаларимизда 460 та машинанинг деярли ҳаммаси ишлаб турди. Биринчи теримда механизаторга тоннасига 10 сўмдан, иккинчи теримда 15 сўмдан тўланди. Қизиқиш катта бўлди. Олди механизаторлар 1,5-2 минг сўмдан пул ишлашди.

— Бу йил дастлабки кунларданоқ қўл теримига эътибор берилиб жуда тўғри иш қилинди. Мақсад очилган пахталарни пешма-пеш териб олиш ва сифатли уруғлик, хом ашё тайёрлаш эдида!

— Ҳа, шундай. Биз дастлабки кунларданоқ одамларга тушунтирдик. Терилган пахтанинг ҳар килограммига 15-20 тийиндан пулни кечиктирмай нақд олиб турасизлар, дедик. Ёппасига сафарбарлик бошланди ўз-ўзидан. Бу катта илтифотдан ҳар бир қишлоқ аҳли фойдаланиб қолишга интилди. Танижони соғ киши борки далага чиқиб, пахта теришга иштиёқ билдирди. Авжи йиғимтерим қизғин кунларда районимиз пахтазорларида 40-45 минг киши теримда қатнашди. Собир Раҳимов райони, Ангрен, Янгиобод шаҳарларидан келган ёрдамчилар билан хўжаликларнинг раҳбарлари ўртасида шартномалар тузилди. Бу шартномага мувофиқ ҳашарчи ўз зиммасига конкрет мажбурият олди, колхоз ва совхоз маъмурияти эса уларга тўланадиган ҳақни, яратиб бериладиган шарт-шароитни келишиб олди. Кимки бу шартномани бузадиган бўлса, имтиёзлардан тўла фойдаланмайди. Ҳеч ким шартноманинг бузилишини истамади. Шунинг учун ҳам ҳашарчилар меҳнати унумли бўлди.

— Далада ишлаётганларга қандай маданий-маиший хизмат кўрсатилди?

— Инсон омили — доимий эътиборимизда бўлди. Бу соҳада режа асосида иш олиб бордик. Медицина, маданий хизмат кўрсатиш савияси кўтарилди. Биз лоақал терим мавсуми давомида деҳқонларнинг рўзғор ташвишларидан ҳоли бўлишлари учун ҳаракат қилдик. Шу мақсадда матлубот жамиятлари фаолиятини янгича ташкил этиш тадбирлари кўрилди. Илгари нима бўларди, денг, бешта матлубот жамиятининг ҳар бири ўзича иш юритиб, камёб рўзғор маҳсулотлари, дейлик, қанд, шакар, совун ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини ўзларича тақсимлашарди. Таниш-билиш, ошна-оғайнигарчилик дегандек, бировларга кўп тегиб қоларди, бировларга кам тегарди. Орага чайқовчи суқилиб қолса ўртадаги барака яна ҳам кўтарилиб кетарди. Бу албатта, одамларнинг норозиликларига сабабчи бўларди. Бу йил районга тегишли озиқ-овқат маҳсулотларини тўғридан-тўғри марказлаштирилган омборхонага келтирилди. Ўша ердан ҳар бир хўжаликнинг эҳтиёжи, у ерда кўпроқ бевосита далада меҳнат қилаётганларни ҳисобга олиб тақсимланди. Ҳозиргача икки маротаба деҳқон хонадонларига қанд, совун, шакарни тугун қилиб етказиб бердик.

— Яна қандай қулайликлар яратилди?

— Маълумки, ҳозирги пайтда пахтакорларнинг ўз озиқ-овқат даласи бўлсин, дейишяпти. Биз бу талаб бўйича ҳам талайгина ишлар қилдик. Ҳар бир пахтачилик даласида иложи борича шийпонга яқин ерда сабзавот, резавор ва бошқа экинлар учун бир гектар ер ажратиб берилди. У ерга қовун-тарвуз, ҳам экилди. Картошка етиштирилди. Биз колхозчиларга ишонтириб тайинладик. Сабзавот, картошкани бозордан харид қилиб юрманглар, ўзимиз етказиб берамиз, ўзимиз таъминлаймиз, дедик. Бу умумий ишга катта фойда келтирди.

— Навбатдаги режалар қандай?

— Бор ҳосилни иложи борича тезроқ йиғиштириб олиш. Қўшимча яна шунча топширамиз, бунча топширамиз, деб аниқ бир рақамни айтмайман-у, бироқ катта меҳнатлар эвазига етиштирилган ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмасдан саранжомлаб олиш учун ҳамма чора-тадбирларни кўришимиз аниқ.

Суҳбатни Н. РИХСИЕВ ёзиб олди.

✦ **ЯНГИЙЎЛ районидаги Ҳ. Турсунқулов номли колхозда илғор механизаторлар ва чевар теримчилар сафи кундан-кунга кенгайиб бормоқда. Тажрибали механик-ҳайдовчи М. Тошбоев мавсумда 130 тоннадан ортиқ пахта терди. Колхоз раисининг ўринбосари Ш. Толипов мусобақа ғолибига кўчма вимпелни топширмоқда; М. Қорабоеванинг шахсий хирмони эса 4 тоннага яқинлашиб қолди. У айни кунларда ҳам 100 килограммдан ошириб пахта тераяпти.**

И. ИМАЕВ суратлари.

БИЛДИРИШ

«Тошкент ҳақиқати» газета редакцияси ҳузуридаги ҳуқуқ, социалистик қонунчиликни пропаганда қилиш жамоатчилик кенгаши навбатдаги қабулни — 26 октябрь, пайшанба куни соат 17.00 дан бошлаб ўтказади.

Адресимиз: Тошкент, Ленинград кўчаси, 32 уй, 7-қават, 742-хона. Телефонлар: 33-40-48; 32-53-54.

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИНИНГ ҚАБУЛХОНАСИ.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

МУЛОҚОТ ОҚШОМИГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАҲАЛЛАДА

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетхонлари билан навбатдаги учрашув бўлади. Учрашув Собир Раҳимов районидаги Ойбек номли маҳаллада ўтказилади. Маҳалла аҳли билан редакция таҳрир ҳайъати аъзолари шунингдек, газета фаоллари, ёзувчи ва шоирлар мулоқотда бўладилар. Редакция ҳузуридаги ҳуқуқ, социалистик қонунчиликни тарғиб қилиш жамоатчилик кенгаши аъзолари меҳнаткашларни қизиқтирган саволларга жавоб берадилар. Шу ерда «Тошкент ҳақиқати»га 1990 йил учун обуна ҳам қабул қилинади.

Редакция коллективининг янги режалари, 1990 йилда ижодий бўлимлар амалга оширажак ишлар билан қизиққан ҳамда газета ҳақида ўз фикр-мулоҳазалари, таклиф ва эътирозларини билдирмоқчи бўлган ўртоқларни мазкур учрашувга таклиф этамиз.

МУЛОҚОТ ОҚШОМИДА ҚАТНАШИШНИ ИСТАГАНЛАР БУГУН СОАТ 18.00 ДА ОЙБЕК МАҲАЛЛА КОМИТЕТИ БОҒИГА (ТОШМУҲАМЕДОВ КЎЧАСИ, 40-УЙ. 15-, 16-ТРАМВАЙЛАР ВА 100-АВТОБУСНИНГ «ОЙБЕК» МАҲАЛЛАСИ БЕКАТИ) КЕЛИШЛАРИ МУМКИН.

Реклама ва эълонлар

ИШ ҲАҚИ—ЖАМҒАРМАЛАР БАНКИ ОРҚАЛИ

Ишчи-хизматчилар ва колхозчиларга меҳнат ҳақини СССР Жамғармалар банки муассасалари орқали тўлаш— меҳнаткашларга хизмат кўрсатишнинг илғор формаларидан биридир.

Ҳисоб-китобнинг бундай тури улкан ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб, меҳнаткашларнинг шахсий манфаатлари билан давлат манфаатларини чамбарчас боғлаб олиб боради.

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

Меҳнат ҳақи СССР Жамғармалар банкининг исталган муассасасидаги омонатлар бўйича очган счётингизга ўтказилиши мумкин.

Омонат Сиз учун қулай бўлган исталган вақтда тўлиқ ёки қисмма қисм берилади.

Омонатчи пулни олиш учун исталган шахс номига ишонч қоғози расмийлаштириши мумкин.

СССР ЖАМҒАРМАЛАР БАНКИНИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ БОШҚАРМАСИ.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/Х да **Корнолан** (19.00), 26/Х да **Тергов давом этади** (19.00).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКА ТЕАТРИДА — 25/Х да **Паранжи сирлари**, 26/Х да **Хотинимнинг эри.**

Тошкент район Охунбобоев номли колхоз правлениеси, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари шу колхоз бош бухгалтери Т. Зиётовга рафиқаси **Муҳайё ЗИЁТОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Р. — 12048. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс: 64684. Б. — 1710. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12